

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

2А-МЖ-11 гуруҳ талабаси
Билолов Умиджон Комилжон ўғли

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Ўзбекистонда хорижий инвестициялардан фойдаланиш
ва уларни бошқариш

Илмий раҳбар:

Ё. Жўраев

Наманган-2015

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб: Ўзбекистон иқтисодиётида хорижий инвестициялардан фойдаланиш орқали бошқаришнинг назарий асослари	6
1.1. Инвестиция тушунчаси, унинг моҳияти ва инвестиция турлари	6
1.2. Ўзбекистонда инвестиция сиёсатни юритишдан мақсад ва унинг устиворликлари	10
1.3. Ўзбекистонда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва бошқаришнинг ўзига хослиги	14
2-боб: Наманган вилоятида хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқариш муаммолари ҳамда модернизация жараёнларини кучайтириш	18
2.1. Наманган вилояти иқтисодиётининг бозор муҳитига хос ривожланиши	21
2.2. Наманган вилояти иқтисодиётининг ривожланишида хорижий инвестициялардан фойдаланиш амалиёти	24
2.3. Наманган вилоятида хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқаришдаги жузъий муаммолар	24
3-боб: Ўзбекистонда хорижий инвестициялардан фойдаланишни модернизация шароитларига хос такомиллаштириш йўналишлари	35
3.1. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари	35
3.2. Ўзбекистонда инвестицион муҳитни янада кенг яратиш истиқболлари	39
3.3. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқаришдаги самарадорлик	41
Хулоса	45
Фойдаланилган адабиётлар	47

Кириш

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистонда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уни бошқариш масалалари давлатимиз сиёсатида алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистонда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва бошқаришда макроиктисодий барқарорлик ҳолатлари кузатилиб, бунга замонавий бошқарув услубларини самарали қўллаш натижасида эришиб борилмоқда. Натижада иқтисодиётни янада ривожлантиришнинг кенг имкониятлари юзага келмоқдаки, бундай имкониятлардан бири хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уни боқарувини самарали ташкил этишдир.

Айни даврда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва бошқариш соҳасида муайян тажриба ортириб борилмоқда. Шунга қарамай «иқтисодиётимизга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун зарур шароит ва қулай муҳит яратиш борасида биз улкан ишларни амалга оширдик»¹. Бу эса миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестициялардан янада самарали фойдаланишни талаб этмоқда. Давлатимиз сиёсатида ушбу йўналишда модернизация қилиш масалаларини янада авж олдириш мақсадида устувор вазифалар белгиланган. Шу нуқтаи назардан биз танлаган мавзу бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланиб боришида хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқариш соҳасидаги масалаларни ҳал қилиш устувор вазифалар қаторидан жой олар экан, 2015 йилда «Чет эл инвестициялари ҳажми 3,5 миллиард доллардан ошиб, уларнинг умумий капитал қўйилмалар ҳажмидаги улуши 22,1 фоизни ташкил этади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши эса 11,2 фоизга кўпаяди»².

Фикримизча, амалдаги вазиятларни таҳлил этадиган бўлсак, ҳамма жойда Президент И.А.Каримов қайд этганидек, ушбу масалага доир ишлар самарали тарзда ҳал этилмоқда. Бу соҳада қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ўз кучига эга бўлса-да, айрим жойларда унга амал қилмаслик ҳолатлари намоён бўлмоқда. Бу эса ҳукуматимиз сиёсатида, қолаверса жамиятимизнинг тараққиётига салбий таъсир этувчи вазиятларни келтириб чиқаради. Хусусан, Наманган вилоятида бу соҳадаги ишлар аксарият ҳолларда сустр тарзда олиб борилмоқда.

Демак, хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқариш иқтисодиёт тараққиёти учун муҳим омилдир. Бу соҳада яратилаётган ҳукукий асослар орқали бошқаришни ташкил этишда илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни ҳам муҳим вазифалардан биридир деб ҳисоблаймиз. Ушбу битирув малакавий иш мавзусининг айни пайтдаги долзарблиги шундадир.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ўта ривожланган мамлакатларда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқариш масалалари турлича кўламда ўрганилган. Унга оид муаммолар айниқса, ғарб мамлакатларида чуқурроқ ўрганилган. Ғарбнинг таниқли иқтисодчи олимларидан ҳисобланган С.Ахелл, В.Беренц, П.Хавранек кабиларнинг бу соҳадаги алоҳида ҳиссалари борлигини қайд этиб ўтиш зарур.

Россиялик иқтисодчи олимлардан В.Бочарев, П.Вахрин, И.Герчикова, В.Глухов Ю.Богатин, В.Швандар ва бошқалар бу соҳада катта ишларни амалга оширишган.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва боқаришнинг фундаментал-назарий ва амалий муаммолари И.А.Каримовнинг бир қатор асарларида

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи. 18 январь, 2014.

² Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. –Т.: Ўзбекистон, -72 бет. Ўзбек ва рус тилларида. 26 бет.

ўрганилган. Шунингдек, А.Вахабов, Э.Махмудов, А.Расулов, Н.Каримов каби олимлар асарларида у ёки бу жиҳатдан ўрганилган.

Бирок, айнан Наманган вилояти мисолида хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва бошқариш масалалари бўйича юзага келган муаммоларни ҳозирги даврга боғлиқ ҳолати ҳали етарлича ўрганилмаган. Ўрганилаётган муаммонинг кенг кўламлилиги битирув малакавий иш мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларни белгилайди.

Тадқиқотнинг мақсади бозорга асосланган иқтисодий тизимда Ўзбекистонда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқариш юзасидан ўрганилган муаммолар натижасида илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдир. Мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** ечими ҳал этилди:

- инвестиция тушунчаси, унинг моҳияти ва инвестиция турларини назарий жиҳатдан асослаш;

- Ўзбекистонда инвестиция сиёсатни юритишдан мақсад ва унинг устиворликларини ёритиш;

- Ўзбекистонда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва бошқаришнинг ўзига хослигини ифода этиш;

- Наманган вилояти иқтисодиётининг бозор муҳитига хос ривожланишини тадқиқ этиш;

- Наманган вилояти иқтисодиётининг ривожланишида хорижий инвестициялардан фойдаланиш амалиётини таҳлил этиш;

- Наманган вилоятида хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқаришдаги жузъий муаммоларни аниқлаш ва белгилаш;

- халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари бўйича мулоҳазалар юритиш;

- Ўзбекистонда инвестицион муҳитни янада кенг яратиш истикболларини атрофлича изоҳлаш;

- Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқаришдаги самарадорлиги бўйича ишланмалар яратиш.

Тадқиқот объекти бўлиб, Наманган вилоятида хорижий инвестициялар асосида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг амалдаги ҳолати хизмат қилди.

Тадқиқот предмети сифатида Наманган вилоятида хорижий инвестициядан фойдаланиш бўйича бошқарув услублари танланди.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асоси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодий сиёсатига оид асарлари; кичик ва хусусий бизнес фаолиятига доир Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари; кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича чет эллик ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий асарлари; республика миқёсида нашр этилаётган иқтисодий йўналишдаги журналлар ва рўзномалар ташкил этади.

Тадқиқотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Наманган вилоят ҳокимлиги, Наманган вилоят статистика бошқармасининг маълумотларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишни бажариш орқали қуйидаги янгиликларга эришилди:

- инвестиция тушунчаси, унинг моҳияти ва инвестиция турларини назарий жиҳатдан асослаб берилди;

- Ўзбекистонда инвестиция сиёсатни юритишдан мақсад ва унинг устиворликлари ёритилди;

- Ўзбекистонда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва бошқаришнинг ўзига хослиги ифода этилди;

- Наманган вилояти иқтисодиётининг бозор муҳитига хос ривожланишини тадқиқ этилди;

– Наманган вилоятида хорижий инвестициялардан фойдаланиш даражаси ва уларни бошқарувини ташкил этиш бўйича таҳлиллар амалга оширилди;

– Наманган вилоятида хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқаришдаги жузъий муаммолари аниқланди ва ўрганилди;

– халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари бўйича мулоҳазалар юритилди;

– Ўзбекистонда инвестицион муҳитни янада кенг яратиш истиқболларини атрофлича изоҳлаб берилди;

– Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқаришдаги самарадорлиги бўйича ишланмалар яратилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларни фойдаланиш муаммоларини таҳлил қилиш натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

– вилоят миқёсидаги барча коллеж ва бизнес мактабларида иқтисодий йўналишдаги фанлардан бир қатор мавзуларни ёритишда;

– вилоят миқёсида хорижий инвестиция асосида фаолият кўрсатаётган барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бошқаришни яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқишда;

– хорижий инвестициялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий иш кириш, иккита бўлиб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долбзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг илмий янгилиги кўрсатилган ҳамда ишнинг амалий аҳамияти асослаб берилган.

Биринчи боб **“Ўзбекистон иқтисодиётида хорижий инвестициялардан фойдаланиш орқали бошқаришнинг назарий асослари”** деб аталган. Бобда инвестиция тушунчаси, унинг моҳияти ва инвестиция турлари назарий жиҳатдан асосланган. Ўзбекистонда инвестиция сиёсатни юритишдан мақсад ва унинг устиворликлари очиқ берилган. Шунингдек, хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва бошқаришнинг ўзига хослиги атрофлича баён этилган.

Иккинчи боб **“Наманган вилоятида хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқариш муаммолари ҳамда модернизация жараёнларини кучайтириш”** деб номланган. Бу бобда Наманган вилояти иқтисодиётининг бозор муҳитига хос ривожланиши тадқиқ этилган. Вилоят иқтисодиётининг ривожланишида хорижий инвестициялардан фойдаланиш амалиёти таҳлил этилган. Наманган вилоятида хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқаришдаги жузъий муаммолар ўрганилган.

Учинчи боб **“Ўзбекистонда хорижий инвестициялардан фойдаланишни модернизация шароитларига хос такомиллаштириш йўналишлари”** деб юритилган. Бунда халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари, Ўзбекистонда инвестицион муҳитни янада кенг яратиш истиқболлари кенг ёритилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқаришдаги самарадорлиги бўйича ишланмалар яратилган.

. Битирув малакавий ишнинг хулоса қисмида бажарилган битирув малакавий ишнинг натижалари асосида таклифлар ишлаб чиқилган.

1-боб: Ўзбекистон иқтисодиётида хорижий инвестициялардан фойдаланишнинг назарий асослари

1.1. Инвестиция тушунчаси, унинг моҳияти ва инвестиция турлари

Узоқ йиллар мобайнида режали иқтисодиёт даврининг иқтисодий адабиётларида «инвестиция» ва «капитал қўйилмалар» тушунчалари тор маънода ва бир хил мазмунда талқин қилиниб келинган. Аслида эса, «инвестиция» тушунчаси ўз мазмуни жиҳатидан анча кенгрокдир.

Жамиятнинг яшаши учун ишлаб чиқариш узлуксиз давом этиши шарт. Айниқса ҳозирги даврда ишлаб чиқариш соҳасининг узлуксизлигини таъминлаш жаҳон ҳамжамиятида ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқдаки, бу каби жараёнлар у ёки бу жамиятнинг нақадар ривожланаётганлигидан далолат бермоқда. Агар узлуксизлик таъминланмаса, яъни узилиш юз берса, кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжлари қондирилмайди. Ишлаб чиқаришнинг доимий такрорланиб туриши ва умуман иқтисодиётнинг аҳволи инвестицияларнинг ҳолатидан келиб чиқади.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Республика Президенти И.А.Каримов раҳбарлиги остида хорижий инвестицияларни мамлакатимизга кириб келишига катта имкониятлар яратилди. «Аммо шуни қайта-қайта таъкидлаш керакки, чет эл сармояси Ўзбекистонга келишининг асосий шарти республикаimizдаги барқарорликдир»¹.

«**Инвестициялар**» аслида лотинча «investire» кийинтирмоқ; инглизча «investment», сўзидан олинган бўлиб, асосан, ишлаб чиқаришга узоқ муддатли капитал киритиш, яъни қўшимча фойда олиш мақсадида харажатларни амалга ошириш деган маънони билдиради². Демак, «инвестиция» деганда келгусида фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқларига инвесторлар томонидан узоқ муддатга қўйиладиган барча турдаги мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади.

Капитал қўйилманинг тармоқ, ҳудудий, техник ва такрор ишлаб чиқариш таркиблари мавжуд. Капитал қўйилманинг **тармоқ таркиби** уларнинг тармоқлар бўйича тақсимланишини англатади. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва ислохотларни амалга оширар эканмиз, иқтисодиётнинг барча тармоқларини тенг ривожланишини таъминлаш чора-тадбирларини кўрмоғимиз даркор. Капитал қўйилмалар тармоқ таркиби жиҳатдан тўғри йўналтирилганлигини доимо назорат қилиш мақсадга мувофиқдир. Агар капитал қўйилмаларнинг тармоқ таркибидаги тақсимоти нотўғри бўлса, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишида «нотекислик» юзага келиб, миллий иқтисодиётнинг ривожланишида тўғри пропорционаллик ҳолати бузилган бўлади. Ҳозирги даврда миллий иқтисодиётни ривожлантиришда асосан қишлоқ хўжалигига катта инвестицияларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлишини давлатимиз сиёсати томонидан ҳам қайта-қайта ўқтирилмоқда¹.

Капитал қўйилмаларнинг **ҳудудий таркиби** эса уларни алоҳида ҳудудлар бўйича тақсимотини белгилайди. Ўзбекистон ҳудудини ўн иккита вилоят ташкил этса, демак, капитал қўйилмаларнинг ҳудудий таркибида тақсимот, шу ўн иккита вилоят ўртасида амалга оширилади. Марказдан туриб капитал қўйилмаларнинг тақсимоти амалга оширилаётганда ҳудудий шарт-шароитларни ҳисобга олиш лозимдир.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Нутқлар, мақолалар, суҳбатлар. –Т.: Ўзбекистон, 1993. 108 бет.

² Язқк бизнеса: терминқ. // Под ред. В.А.Чжена. –Т.: Изд. Компания. «Бизнес-каталог», 1995. 171 стр.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Нутқлар, мақолалар, суҳбатлар. –Т.: Ўзбекистон, 1993. 114-бет.

Техник таркиби капитал қўйилмани харажат элементи бўйича тақсимланишини англатади. Улар қириш-монтаж ишлари учун ёки технология сотиб олиниши учун ва бошқа харажатларга тақсимланиши мумкин. Капитал қўйилмаларнинг техник таркибини белгилаш аксарият ҳолатларда ишлаб чиқариш, умуман саноат соҳаларида амалга оширилади.

Такрор ишлаб чиқариш таркиби эса капитал қўйилманинг янги объектларни қуришга, техник қайта жиҳозлашга ёки таъмирлашга йўналтирилишини билдиради. Масалан, мустақиллик йилларининг илк даврларидан бошлаб, такрор ишлаб чиқаришга капитал қўйилмаларни киритиш объектив заруриятга айланди. Чунки маъмурий-бўйруқбозлик тизими даврида ишлаган корхоналарнинг аксариятида эски техника ва технологиялар асосида ишлаб чиқариш ташкил этиб борилган.

Бироқ, капитал қўйилмаларнинг таркиби қандай кўринишда бўлмасин, энг аввало мамлакат иқтисодиёти учун фойда келтириши зарур. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларидан бошлаб, «жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган **инвестиция сиёсати** юритиш энг муҳим омил ҳисобланади»².

Инвестицияларнинг бир неча турлари бўлиб, улардан фойдаланиш жараёнлари ҳам турличадир. Хусусан, асосий фондлар ва айланма маблағларга инвесторлар томонидан қўйиладиган барча турдаги бойликлар **реал инвестиция** деб тушунилади. Реал инвестициялар орқали ишлаб чиқариш корхоналари қурилади, ҳаракатдаги корхоналар техник қайта қуроллантирилади ва умуман асосий фондлар такрор ишлаб чиқарилади. Бундай инвестициялар қисқа муддатли бўлмайди.

Молиявий инвестициялар деб, қимматли қоғозлар (акция, облигация) **сотиб олишга** ва банк деаозитларига узоқ муддатга жалб қилинган қўйилмалар тушунилади. Инвестор портфелли (молиявий) инвестицияни амалга ошириш орқали қимматли қоғозларидан (акция, облигациялар) даромад (дивиденд) олиб, ўз молиявий капиталини ўсишига эришади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг ривожланиб бориши билан қимматли қоғозлар бозори тараққий этиб, **молиявий инвестициялар** қўйиш жараёни фаоллашади. Шунингдек, мулкни хусусийлаштириш ва молиявий бозорнинг ривожланиши республикамизга чет эл инвестицияларининг катта ҳажмда кириб келишига имконият яратади.

Интеллектуал инвестицияларга мутахассисларни тайёрлаш, тажриба, илмий текшириш, лизенция ва ноу-хоу бериш, авторлик ҳуқуқи ва бошқалар қиради.

Швед иқтисодчи-олими К.Эклунд инвестиция тушунчаси таркибига таълим ва илмий текширишдаги харажатларни ҳам қўшиш керак, деган фикрни илгари суриб, у интеллектуал инвестициялар аҳамиятини юқори баҳолайди. Умуман олганда ишлаб чиқаришда фан ва техниканинг таъсири кучайиб бориши билан интеллектуал инвестициянинг аҳамияти янада ошиб боради. Бундай инвестициялар кўпроқ ривожланган мамлакатлар томонидан амалга оширилиб, ривожланаётган мамлакатларга нисбатан жорий этилади.

Инвестициялар ким томонидан киритилишига қараб икки турга бўлинади:

Ички инвестициялар.

Ташқи инвестициялар.

Ички инвестициялар - бу бир мамлакат ҳудудида ички инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ҳисобланади. Ички инвестицияларни амалга оширишда хорижий валюталардан фойдаланиш шарт эмас. Ички инвестициялар миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ялпи Ички Маҳсулотнинг ортишига олиб келади.

² Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда тўб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. 17 январь, 2015.

Ташқи инвестициялар - бу фойда олиш мақсадида чет эл инвесторлари томонидан бошқа давлат иқтисодиётига қўйиладиган инвестициялардир. Хорижий инвестицияларни жорий этиш учун энг аввало ҳар икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатдорлик ҳисобга олинади. Кўпроқ ривожланган мамлакатлар ўзларининг инвестицияларини ривожланаётган давлатларга киритишга ҳаракат қиладилар ва фойда олишни кўзлайдилар.

Иқтисодий категория сифатида инвестицияларнинг макро ва микро иқтисодиёт даражасидаги функциялари мавжуд бўлиб, уларсиз ҳар қандай давлатнинг иқтисодиётини нормал ривожлантириш мумкин эмас. Энг ривожланган давлатлар иқтисодиётида ҳам қайсидир бошқа давлатнинг инвестициялари киритилган ва шу туфайли ривожланишга эришган бўлади.

Макродаражадаги инвестициялар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

1. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш сиёсатини амалга оширишда;
2. Илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, миллий маҳсулотларни рақобатбардошлигини таъминлаш ва унинг сифатини оширишда;
3. Соғлиқни сақлаш, маданият, таълимни янада ривожлантириш ва бошқа ижтимоий муаммоларни ечишда;
4. Ишсизлик муаммосини ечиш ёки енгиллаштиришда;
5. Ҳарбий-саноат комплексини конверсия қилишда;
6. Давлатнинг ҳарбий қудратини таъминлашда ва бошқа шу каби муаммолар.

Шундай қилиб, инвестициялар юқоридаги каби масалалар ечимини топишда асос бўлиб хизмат қилади.

Микродаражада инвестициялар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ишлаб-чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш;
2. Асосий фондларни жисмоний ва маънавий эскиришига йўл қўймаслик;
3. Ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш;
4. Корхона маҳсулотини рақобатбардошлигини таъминлаш ва унинг сифатини ошириш;
5. Қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш ва бошқа корхона активларига ўз маблағини сарфлаш мақсадларига эришиш учун зарурдир.

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, инвестициялар иқтисодий категория сифатида макро ва микродаражада муҳим рол ўйнайди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, «чет эл капитали иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида, кам-кўстсиз ўзлаштириш биз учун ор-номус иши бўлиши керак»¹

Мамлакатда инвестиция фаолиятининг натижалари ва унинг аҳволини қуйидаги кўрсаткичлар динамикаси характерлайди:

1. Инвестицияларнинг умумий ҳажми;
2. Ялпи ички маҳсулотда (ЯИМ) инвестицияларнинг улуши;
3. Инвестицияларнинг умумий ҳажмида реал инвестицияларнинг улуши;
4. Реал инвестицияларнинг умумий ўсиши;
5. Асосий капиталга йўналтирилган реал инвестицияларнинг улуши ва бошқалар.

Бундан ташқари, инвестиция фаолиятининг қандай ҳолатда эканлиги асосий **макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш даражаси билан ҳам характерланади:**

1. Миллий даромад;
2. ЯИМ ва ялпи миллий маҳсулот (ЯММ);
3. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми;
4. Саноат маҳсулотларининг алоҳида турларини ишлаб чиқариш;
5. Ишлаб ҳажми ва бошқалар.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 329-бет.

Айрим экспертларнинг баҳолашларга кўра, ҳар 3% инвестиция миқдорининг тушиши 1% ЯИМни камайтишини билдиради.

Бугунги кунга келиб инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг иқтисодий мазмуни ва уни баҳолаш тамойиллари ишлаб чиқилган. Бундай баҳолаш услублари инвестицияни қўллашдаги самарадорлик кўрсаткичларининг даражаларини намайен килади.

Инвестиция фаолияти деганда инвестициядан фойдаланувчи субъектларнинг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари мажмуаси тушунилади. Инвестицион фаолиятни йўлга қўйишда ҳар бир мулк эгаси биринчи навбатда ўз манфаатини кўзлаб ягона бир мақсадга, яъни фойда олишга ёки ижтимоий самара олишга интилади.

Инвестиция фаолиятида инвестиция субъекти, инвестиция объекти, инвестор, эмитент, инвестиция ресурслари каби тушунчалар мавжуд.

Инвестиция объекти деганда, маблағлар, яъни бойликлардан фойдаланмоқчи бўлган ёки сафарбар этилаётган томон тушунилади. Инвестиция объекти бу, янги корхоналар ёки амалда фаолият кўрсатаётган корхоналар, қимматбаҳо қоғозларни ўзлаштирувчилар, банк депозитлари бўлиши мумкин.

Инвестиция субъекти бўлиб, инвестицияни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахслар тушунилади. Улар: хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқарув органлари, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар, мулк эгаси бўлган фуқаролар бўлиши мумкин.

Инвесторлар - ўз капиталини инвестиция объектига жорий этган ва инвестициялашни амалга оширувчи инвестиция субъектидир.

Эмитент - қимматбаҳо қоғозларни муаммалага босиб чиқарувчи юридик ва тўловга қобиятли жисмоний шахслар.

Реинвестициялар - инвесторлар томонидан корхоналар фаолиятдан олинган фойдани ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида уни шу корхонага қайта киритишдир.

Инвестиция ресурслари - бу инвестицион фаолиятни амалга оширишда иштирок этадиган ҳар хил кўринишдаги маблағлардир. Булар жумласига қуйидагилар киради:

1. Пул ва бошқа молиявий маблағлар (кредитлар, пайлар, акциялар, қимматбаҳо қоғозлар).
2. Кўчар ва кўчмас мол-мулклар (бинолар, иншоотлар, усуналар ва бошқалар) ҳамда уларга доир ҳуқуқлар.
3. Тажриба, ишлаб чиқариш ноу-хауси.
4. Ерга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи.

Инвестиция ресурслари қанча чекланмаган бўлса, инвестициядан фойдаланувчи учун шунча имконият катта бўлади. Жаҳон сармоядорларида мамлакатимиз олиб бораётган сиёсатига кўра ишонч борки, улар бизни молиявий қўллаб-қувватламоқдалар.

«Биз ана шу ишончни қадрлашимиз, ишончга муносиб бўлганимиз билан фахрланишимиз, узоқ йиллик меҳнат ва қийинчиликлар билан эришган обрўйимизни ва кадримизни ерга урмаслигимиз керак»¹.

1.2. Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини юритишдан мақсад ва унинг устиворликлари

Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини юритиш - бу иқтисодиётнинг устивор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устивор инвестицион

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 329-бет.

лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган механизм, услублар йиғиндиси ҳисобланади. Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишда кўпроқ устиворлик кичик бизнес субъектлари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар тузишга қаратилади. Давлат инвестиция сиёсати мавжуд камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва шу асосда инвестиция иштирокчиларининг эркин ҳаракат қила олишлари учун қулай иқтисодий, инвестицион муҳит яратишга қаратилган.

Ўзбекистонда инвестиция сиёсатининг устивор йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- иқтисодий ислохотларни туб амалга ошириш, мақсадли инвестицион сиёсатни юргизиш;

- инвестициялар, уларнинг ҳаракатланиши, инвестиция фаолияти иштирокчиларининг муносабатлари, уларни тартибга солиб туриш бўйича қулай ҳуқуқий базани яратиш, амалдаги қонунчилик-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

- инвестицион жараёни яхшилаш ва барча инвестицион жараён иштирокчиларининг фаоллигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш;

- давлат бошқарув органлари, ҳукумат ташкилотларининг назорат этиш функцияларини янада такомиллаштириш.

Ўзирги кунда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳаларида ўзгаришлар, таркибий ислохотлар олиб борилмоқда. Бундай ислохотларнинг олиб борилиши бевосита мамлакатдаги инвестицион жараён, давлатнинг инвестицион сиёсати, унинг устивор йўналишлари ва мамлакатдаги корхоналар инвестицион фаоллигига боғлиқ. Мустақилликнинг қисқа даврида инвестицион фаолиятни ошириш, уни кучайтириш борасида қатор амалий чора-тадбирлар ўтказилди, инвестицион фаолиятни тартибга солиб турувчи қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар чиқарилди ва ҳаётга тадбиқ қилинмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида олиб борилган ижобий инвестицион ўзгаришлар натижасида мамлакатимизда қатор инвестицион объектлар ишга туширилди. Буларга мисол сифатида, Асакадаги «ЎзДэуавто», Навоийдаги «Зарафшон-Ньюмонт», Самарқандаги «Самкочавто», Тошкент вилоятидаги «УзДонгжу», Бухородаги нефтни қайта ишлаш корхоналарини келтириш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича ҳам қатор вазифалар амалга оширилмоқда. Хусусан, иқтисодиётда янги бир термин «инвестицион лойиҳа» киритилди ва унинг иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши учун аҳамияти белгилаб берилди.

Инвестицион лойиҳалар Вазирлар Маҳкамасининг 09.04.99 й. даги 165-сонли «Чет эл инвестицияси иштирокидаги устивор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тузилади. Унга кўра инвестицион лойиҳа бу маълум ижтимоий-иқтисодий мақсадларга йўналтирилган, техник-иқтисодий, бизнес-бошқарув, маркетинг ва ишлаб чиқариш режалари каби аспектлар асосланган, турли молиявий манбалар маблағлари иштироки назарда тутилган комплекс ҳужжатлар йиғиндиси ҳисобланади. Инвестицион лойиҳалар турли мақсадларда тузилади ва амалга оширилади, уларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

- янги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатишини кенгайтириш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- давлат ташкилотлари талабини қондириш, уларни маҳсулот ва хизматлар билан таъминлаш.

Инвестицион лойиҳаларни тўрт хил турдаги давр учун тузиш ва молиялаштириш мумкин:

- қисқа муддатли лойиҳалар, муддати 1 йилгача;
- ўрта муддатли лойиҳалар, муддати 1-3 йилгача;
- узоқ муддатли лойиҳалар, муддати 3-7 йилгача;
- стратегик лойиҳалар, муддати 7-12 ва ундан кўп йилларни ташкил этади.

Инвестицион лойиҳаларда юқоридаги ҳаётийлик даври муддатлари лойиҳа иштирокчиларининг оптимал фойда олиш бўйича мақсадлари ва режаларидан келиб чиқиб белгиланади.

Лойиҳаларни 3 турдаги активлар (мулк) ҳисобига молиялаштирилади:

1) молиявий инвестициялар ва қарзлар. Буларга қимматбаҳо қоғозлар, банкдаги депозитлар, кредитлар, пул маблағлари, юқори ликвидли қимматбаҳо предметлар киради;

2) материал (моддий) активлар. Буларга кучмас мулк, асосий воситалар, ер, ишлаб чиқариш техникаси, линиялари, хом-ашё ва материаллар киради;

3) номоддий активлар. Буларга ноу-хау, ҳимояланган фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқи, интеллектуал мулк, инновациялар, ишчи капитали ақлий маҳсули киради.

Инвестиция тўғрисидаги қонунга кўра лойиҳа хусусий капиталига бадлал сифатида таъсисчилар билан келишган ҳолда ҳоҳлаган турдаги предмет киритилиши мумкин. Инвестицион лойиҳани молиялаштирар экан, ташаббус билан чиққан томон аввало ушбу лойиҳадан кўзланган мақсадига ета олиши мумкинлиги ёки йўқлиги ҳақида ўйлайди, уларнинг реаллигига ишонч ҳосил қилгач, лойиҳада қатнашади ва уни молиялаштиради.

Инвестицион лойиҳалар икки хил усулда молиялаштирилади: бевосита ва билвосита усуллар.

Хар бир лойиҳа асосан икки турдаги капитал ҳисобига молиялаштирилади:

1) ташаббускор томоннинг ўз капитали ҳисобига;

2) жалб этилган қарз капитал ҳисобига.

Қарз капитали ўзига хос хусусиятларга эга, бу унинг принциплари билан ифодаланади: қайтаришнинг зарурлиги, муддатга берилгани, тўловлилик, мақсадлилик ва таъминланганлик. Бундан ташқари унинг маълум фоизга берилиши ва лойиҳа муваффақиятли ёки муваффақиятсиз амалга оширилишидан қатъий назар, уларни қайтариш зарурлиги билан ҳам ифодаланади. Бу турдаги капиталдан фойдаланиш учун ташаббускор томон учун пухта, мукамал тузилган бизнес-режа зарур бўлади. Бизнес-режанинг иқтисодий асосланганлиги ва самарадорлиги, рисклардан ҳимояланганлигидан келиб чиқиб, бу икки турдаги маблағлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Қарз капитали, кредитларнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, кредит тўловлари белгиланган муддат ва давлар давомида ундириб олинаверади, ташаббускор томоннинг ўз капитали эса оборотдан чиқарилмай, келгуси йилларда ҳам оборотда ишлатилиши, реинвестицияланиши мумкин.

Хар қандай лойиҳанинг амалга оширилиши самарадорлигига юқоридаги 5 та омил ва уларнинг ўзгариши бевосита таъсир этади.

Инвестицион лойиҳани молиялаштириш тўғрисида қарорлар маълум ноаниқликлар ва рисклар шароитида қабул қилинади, бундай ноаниқликларни камайтириш учун лойиҳа ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш, уларни таҳлил қилиш, истикболни белгилаш талаб этилади. Қарорлар қабул қилишнинг 2 хил усули мавжуд: статик ва динамик усуллар. Статик усул лойиҳанинг маълум давр, одатда бир йил, ярим йил, 3 ойдаги кўрсаткичлар таҳлилини ўз ичига олади, кўрсаткичларнинг йил боши ва йил охиридаги натижалари аниқланади, уларнинг ўзгариши ўрганилади. Динамик усулдан эса узоқ муддатли лойиҳаларни асослаш, таҳлил қилишда фойдаланилади. Бунда кўрсаткичларнинг ўзгариши динамикаси йиллар давомида ўрганилади.

Давлат инвестиция сиёсатининг бош мақсади - иқтисодиётда таркибий ислохотларни амалга ошириш, корхоналар ва компанияларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш, номарказлашган инвестициялашни концентрациялаш-тириш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишдир. Давлат инвестиция сиёсатини юритишдан кўзланадиган мақсадлар қаторига шуни киритиш керакки, давлат доимий равишда инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратишга ҳаракат қилиб келмоқда. Инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва мажбуриятларини бажариши устидан назорат олиб бормоқда.

Инвестицион муҳит деганда, мамлакатнинг маълум бир регионига киритиладиган инвестицияларнинг самарадорлигини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий шарт-шароитлар мажмуаси тушунилади. Инвестицион муҳит ҳолати яратилган ҳуқуқий база ва унинг асослари, қонун ҳужжатларининг сифатли тузилиши ва уларга риоя қилиниши талаб этилади.

1-жадвал

Ўзбекистонда Давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш тизими

Бошқарув даражаси	Бошқарувчи орган	Бошқарув объекти ва субъекти	Бошқариш мақсади	Бошқариш механизми
Қонунчилик соҳаси	Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия Вазирлиги	Иқтисодиёт - тадбиркорлик субъектлари ва инвестицион муҳит	Қулай, самаради инвестицион муҳит яратиш	Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар
Молиявий-иқтисодий соҳа	Молия вазирлиги	Инвестицион - инжиниринг хизматлари бозори	Инвестицион фаолиятни назорат этиш	Ҳимоявий ва жазо чоралари
Функционал соҳалар	Марказий банк, ТИАЭ, ДСК, ДБК, Ўзстандарт, суғурта ташкилотлари	Пул-кредит бозори, хорижий ва маҳаллий инвесторлар, стандартлаш, суғурталаш, солиқ ва божхона қонунчилиги ижроси	Инвесторлар иқтисодий муносабатларини назорат этиш	Тартиблар, йўриқнома-лар, стандартлар, қарорлар

Ўзбекистонда хорижий инвесторлар фаолияти учун қулай инвестицион муҳит яратиш мақсадида, хорижий инвесторларни республикага кўпроқ жалб этиш мақсадида улар учун қатор солиқ, божхона имтиёзлари белгиланган. Улар қуйидагилардан иборат:

1) тайёр кийим кечаклар (тикувчилик, трикотаж, чарм буюмлари), пайпоқлар, пойабзал ишлаб чиқарувчи хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар 2003 йил 1 июлдан бошлаб, ҚҚСдан ташқари барча турдаги солиқ ва ажратмалар тўлашдан озод қилинганлар. Республика бўйича бундай корхоналар сони жами 34 та бўлиб улар фаолият кўрсатмоқда. Солиқ тулашдан озод қилинган маблағлар корхонани қайта қуроллантириш, модернизациялаш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, оборот маблағларини тўлдириш ва ходимларни рағбатлантириш учун ишлатилиши керак;

2) устав фонди 1 млн. АҚШ доллари ва ундан юқори бўлган, устав фондида хорижий капитал улуши 50% ва ундан кўп бўлган корхоналар 16% фойда солиғини тўлайдилар (амалда 20%); истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар эса белгиланган ставкадан 20% кам ставкада истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олган фойдасидан солиғини тўлайдилар; болалар ассортименти товарлари ишлаб чиқарсалар 7% фойда солиғи тўлайдилар;

3) ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун республикага хорижий инвестор олиб кираётган технологик воситалар ва хом-ашё қиймати ҳисобидан божхона божи тўлашдан озод қилинган¹;

4) хорижий инвестор томонидан республикада ташкил этилаётган корхона устав фондига бадал сифатида киритаётган технологик восита ҚҚС тўлашдан озод этилади²;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Хорижий инвестициялар тўғрисида. 12-модда, 6-қисм.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. №УП-1919. 19 январ, 1998. 1-пункт, 5-абзац.

5) 1 феврал, 1997 йилдан бошлаб, кичик бизнес субъектлари хорижий кредитлар ҳисобига республикага технологик восита олиб кираётганда божхона божи тўлашдан озод қилинади³;

6) кичик бизнес субъектлари республикада уз ишлаб чиқаришларини ташкил этиш мақсадида олиб кираётган технологик оборудование учун божхона божи тулашдан озод қилинган⁴.

«Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддаси ҳамда «Хорижий инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояси кафолатлари ва чоралари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига асосан қонунчилик ҳужжатларида айрим қоидалар бир-бирига мос келмаса ва улар низоли ҳолатни юзага келтирса, бундай ҳолда хорижий инвестор учун энг қулай ҳолатни юзага келтирувчи ҳужжат кўпроқ кучга эга бўлади.

2003 йил май ойида Вазирлар Маҳкамасининг «Тўғри (бевосита) хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарор қабул қилинди. Унга кўра республикада ўз фаолиятини юритаётган қўшма корхоналар, хорижий ташкилотлар янада кўпроқ давлат ҳимоясига олинди. У юзага келаётган камчиликларни ҳал қилишда ёрдам бериши мумкин.

Ўзбекистонда Давлат инвестиция сиёсатининг ривожланиши қуйидаги учта босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқич: 1991-1994 йилларга тўғри келади. Бу босқичда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- турли мулкчилик шакллари яратиш борасидаги инвестицион жараёнда номарказлаштириш тадбирлари амалга оширила бошланди;
- хусусий молиялаштириш манбаларига эга бўлмаган ижтимоий аҳамият касб этувчи объектларни бюджетдан молиялаштириш сақлаб қолинди;
- хусусий мулкчиликни жорий этиш тадбирлари олиб борилди.

Иккинчи босқич: 1995-2008 йилларни ўз ичига олади ва бунда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- қонунчилик базасини яратилди;
- танлов асосида лойиҳаларни молиялаштиришга ўтилди;
- хорижий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари амалга оширила бошланди;
- иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар киритилиши кучайтирилди;
- инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда турли молиялаштириш манбалари қўлланила бошланди.

Учинчи босқич: 2003 йилдан ҳозирги даврларни ўз ичига олиб, бу босқичда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва режалаштирилган:

- валюта муносабатлари ва операциялари эркинлаштирилмоқда;
- хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар манфаатларини ҳимоялаш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинмоқда;
- корхоналарнинг техник модернизация қилиш кучайтирилмоқда;
- экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини қопловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳаларни молиялаштиришга устиворлик берилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда 2007 йилнинг ўрталарига келиб, 3 миндан ортиқ хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар рўйхатга олинган. Шундан 64 фоизи фаолият кўрсатмоқда. 2006 йилда жами 21 та корхона тузилган. Энг кўп қўшма корхоналар Тошкент шаҳрида тузилган бўлиб, уларнинг 57 фоиздан кўпроғи фаолият кўрсатмоқда. Энг кам қўшма корхоналар Сирдарё вилоятида тузилган бўлиб улар жами 31 тани ташкил этади ва фаолият юритаётганлари 29 та (93%).

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар асосан енгил саноат тармоғига (20,6%) киритилган, кейинги ўринда газ саноатига (13%), химия ва нефть саноатига (10,9%), коммунал қурилишга (8,3%) киритилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. №УП-1702. 31 январ, 1997.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. №УП-1987. 9 апрел, 1998.

Ўзбекистонда бугунги кунда Давлат инвестиция сиёсати ўзига хос икки йўналишга таянади:

- 1) солиқ юкини енгиллаштириш, маблағларни ишлаб чиқаришга йўналтириш;
- 2) маблағларни давлат бюджети орқали тўплаш ва инвестиция дастурларини амалга ошириш.

Бу борада олиб борилаётган сиёсатда давлат корхоналарига нисбатан амалда бўлган бюджетдан молялаштириш тизими муайян даражада боқимандаликни келтириб чиқариши инобатга олинмоқда ва инвестиция фаолиятида уларга нодавлат сектори субъектларига қараганда имтиёзли шароит яратиши мумкинлиги эътиборга олинмоқда.

Ўзбекистонда Давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш учун маъсул бўлган давлат ташкилоти бу Молия вазирлигидир. Айнан Молия вазирлиги бошқа давлат ташкилотлари, органлари, банклар ва компаниялар билан ҳамкорликда Давлат инвестиция сиёсатини амалга оширади ва бошқариб боради.

1.3. Ўзбекистонда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва бошқаришнинг ўзига хослиги

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қулай инвестиция иқлими шаклланмасдан ва хорижий инвестициялардан фойдаланмасдан туриб, уни республика иқтисодиётига фаол жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли қўшила олмайди.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш сари тутган изчил йўли хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш жараёнини фаоллаштириш учун реал шарт-шароит яратмоқдалар.

Миллий иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартиришнинг ҳозирги босқичида бевосита хорижий инвестициялар катта қизиқиш уйғотмоқда. Уларни жалб этишнинг асосий усуллари қуйидагилардир:

- Қўшма корхоналар очиш (шу жумладан, хорижий инвесторларга ўзбек эмитентлари акциялар пакетларни сотиш йўли билан);
- Ўзбекистон ҳудудида бутунлай хорижий капиталга тегишли корхоналарни рўйхатдан ўтказиш;
- Концессиялар асосида хорижий капитални жалб этиш;
- Хорижий инвесторларни мамлакатнинг муайян минтақаларига фаол жалб этишга қаратилган эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) яратиш.

Ҳозирда жалб этилган хорижий инвестициялар тузилмасини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, бундай инвестицияларнинг катта қисми экспортга мўлжалланган тармоқларга: ёқилғи-энергетика мажмуи, нефт-кимё, олтин қазиб олиш ва пахтани қайта ишлаш саноатига, ёхуд ўз-ўзини қоплаш муддатлари қисқа бўлган ва кўп фонд талаб қилмайдиган юқори рентабелли лойиҳаларга: савдо, телекоммуникация, умумий овқатланиш, йирик шаҳарларда офис ва меҳмонхона бинолари қуриш, озиқ-овқат саноати ва молия хизматига йўналтирилмоқда. Бунда сўзсиз, биринчи ўринда турадиган тармоқ, ёқилғи-энергетика мажмуидир (ЕЭМ). Макроиқтисод ва статистика вазирлигининг маълумотига кўра, Ўзбекистондаги (тахминан 8 млрд. АҚШ доллари деб баҳоланаётган) бевосита хорижий инвестициялар умумий ҳажмининг 25 фоизи (1 млрд. 932 млн. АҚШ доллари) унинг улушига тўғри келади. Ҳажми бўйича иккинчи ўринда кимё-фармацевтика саноатига солинган маблағлар туради: 809 млн. АҚШ доллари - хорижий инвестицияларнинг 10,2 фоизи, енгил саноатда - 609 млн. АҚШ доллари – хорижий инвестицияларнинг 7,5 фоизи, ёғ-мой тамаки ва озиқ-овқат саноатида 541 млн. АҚШ доллари – хорижий инвестицияларнинг 6,9 фоизи. Шундай қилиб, солинган капиталнинг деярлик 40 фоизи шу тармоқларга тўғри келади.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ана шундай тармоқлар бўйича йўналтирилиши тасодифий эмас. Чунки тарихий омиллар ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркиб топган тизилмаси шуни тақазо этади. Ҳозирги вақтда мамлакат халқ хўжалиги тармоқ тузилмасининг такомиллашиб бораётганлиги янги ишлаб чиқаришдаги бевосита хорижий инвестицияларнинг ўсиш тенденциясини кучайтирмоқда. Автомобилсозлик, электрон, электротехника саноати ривожланди. Қурилиш индустрияси алоқа корхоналарида ва қишлоқ хўжалигида энг янги технология жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётига маблағ солишга ёки киритишга тайёр турган хорижий инвестицияларнинг асосий тоифасини қараб чиқадиган бўлсак, улар қуйидагича кўринишларни ўз ичига олади.

1. Хусусий ва кичик хорижий капитал - у Ўзбекистонда энг аввало савдо, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги айрим лойиҳаларнинг одатда, жуда юқори капитал сарфлаш талаб қилмайдиган лойиҳаларнинг ўрта юқори рентабелли бўлиши ва ўз-ўзини қоплашини таъминлаш учун жалб этилади. Бундай капитал киритиш ёки жалб этиш орқали кўриладиган афзалликлар шундай иборат бўладики, бунда инвесторлар кўз ўнгида ўтиш даври иқтисодиётининг иқлимига хос ноқулайликлар ва хатарларни ёпиб кетади.

2. Энг йирик трансмиллий корпорациялар - булар Ўзбекистонга инвестиция солиш ёки киритишда мамлакатнинг табиий-хом ашё ресурсларга ҳамда халқаро стандартлар бўйича анча салмоқли бўлган ички истеъмол бозорига кириб бориш имконига эга бўлган компаниялардир. Бундай компанияларнинг бош идоралари ривожланган мамлакатларда жойлашган бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда уларнинг йирик офислари ёки корхоналари фаолият кўрсатади ва шу тарзда ўзларининг инвестицияларини жалб этадилар. Бу тарздаги ёндашув инвестициялар учун узоқ муддатли глобал инвестицион стратегиянинг нисбатан катта бўлмаган қисмини қамраб олади. Бу эса корпорацияларга инвестициялар солишнинг муайян хатарлилиги ва ва қўшимча фойда бермаслиги билан келишиб туришга имкон беради.

3. Хорижий мамлакатлардаги ўзбек диаспораси вакиллари орасидаги инвесторлар. Бундай инвесторлар учун ҳам биринчи навбатда, юқори рентабелли ва тез қопланадиган лойиҳаларга маблағ солиш характерлидир. Улар учун инвестиция хатари маҳаллий хусусиятни яхши билиш ҳамда мамлакатдаги кенг амалий статус контрактлар ҳисобидан анча камаяди.

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотларига кўра, бевосита хорижий инвестициялар республика ҳудуди бўйича қуйидагича тақсимланган:

- 1997 йилда хорижий инвестицияларнинг қарийб 45 фоизи Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига тўғри келган;

- 35 фоиздан кўпроғи Самарқанд, Қашқадарё, Навоий ва Андижон вилоятларига тўғри келган.

Шундай қилиб, хорижий инвестицияларнинг анчагина улуши ё савдо, транспорт ва информацион инфратузилмаси ривожланган ва истеъмол талаби юқори бўлган минтақаларга (Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд ва Андижон вилоятларига) ёхуд ёнилғи-энергетика маҳсулотларининг экспорт учун ишлайдиган корхоналари кўп бўлган минтақаларга (Қашқадарё ва Навоий вилоятларига) кетади.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш йўлида хорижий инвестициялардан фойдаланиш амалга оширилар экан, бунда энг аввало янги замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, маҳсулот турлари кўпайди, янги иш ўринлари яратилди, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда бюджет харажатарини камайтирди.

Демак, Республикада бу соҳани ривожлантириш учун бўлган сайёи ҳаракат, жамиятнинг ўсиши, бой ва фаровон ҳаёт кечириши учун қулай замин яратишга олиб келди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этишни бошқариш, Рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсати комплекс амалга

оширилмоқда. Бу жараёни муваффақиятли юритиш учун республикада қатор фармонлар, қонунлар, ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида 31 май, 1996 йилда қабул қилинган «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил қилишни Рағбатлантириш чора-тадбирлари ва уларнинг фаолият кўрсатиши тўғрисида»ги Президент Фармони ҳам мавжуд бўлиб, ушбу меъёрий ҳужжат ишбилармонларнинг режали иш олиб бориш истакларини ишончли кафолатлашни таъминлайдиган ҳукукий асосни янада мукамал тарзда шакллантирди.

Ана шу қонун-қоидаларга асосланиб, пул кредитларининг тақчилиг тфайли миллий иқтисодиётни ривжлантиришга хорижий инвестицияларни жалб қилишда кучли рағбатлантирувчилик тадбирларини олиб бориш давом этмоқда.

Бу тадбирлар орасида чет эл инвесторларига давлат томонидан кафолат берувчи йўналишлар ҳам мавжудки, булар қуйидагилардан иборат:

- миллийлаштириш ва реквизициядан сақланган ҳолда, сиёсий хавф-хатарни суғурта қилиш;
- субъектларнинг фойда ва бошқа олган маблағларини чет эл валютасида чегарадан (бошқа давлатларга) ўтказиш;
- макоиктисодий барқарорликни таъминлашда инвестиция учун қулай муҳит яратиш;
- жорий инвестициянинг кейинги ҳолати ёмонлашса, инвестиция киритилган вақтдан бошлаб қабул қилинган қонунларнинг узоқ муддат давомида қўлланилишини таъминлаш;
- инвесторларнинг ҳуқуқлари тасодикий ҳолатларда бузилганда тақдирда давлат органлари орқали келтирилган зарарларни тўлаш;
- республика банкларида чексиз ҳар қайси валютада ҳисоб рақамларини очиш;
- республика ҳудудида суғурта компанияларини хорижий капитал иштирокида ташкил этиш.

Чет эл инвестицияси жалб қилинган корхона даромадининг маълум қисми солиқдан озод қилинади. Чунки бундай корхоналарга ишлаб чиқаришни кенгайтиришда инвестиция ва янги технологияни жорий қилиш учун имконият яратиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бозо муносабатлари – мулкнинг кўп шакллилиги, тадбиркорликни ривожланиши каби жараёнлар чет эл юридик ва жисмоний шахсларнинг бемалол кириб келишига йўл очмоқда. Ҳозирги пайтда АҚШ, Германия, Франция, Италия, Туркия, Покистон, Хиндистон, Жанубий Корея ва Англия каби давлатлар билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

«Бугун ҳеч муболағасиз, ғурур ва ифтихор Билан айтиш мумкинки, мустақилликка эришганимиздан буён ўтган тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз Дуне ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади»¹

Бироқ, Мустақилликнинг ўн беш йиллигини нишонлаган Ўзбекистон иқтисодиёти бундай ютуқлар билан чегараланмаслиги керак. Чунки Республика Президенти И.А.Каримов айтганидек, «дунёда ва минтақамизда вужудга келаётган мураккаб ва зиддиятли вазиятни инобатга олиб, ҳаётий аҳамиятга эга бўлган миллий манфаатларимиз ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш нуктаи назаридан ёндашмоғимиз керак»².

Бундай ёндашувни янада кенгайтириш ва ривожлантириш учун, хорижий инвестицияларнинг салмоғини оширишга бўлган чора-тадбирларни жадаллаштириш лозим. Бунинг учун эса, хорижий инвестицияларни эркин фаолиятини таъминлаш мақсадидаги шарт-шароит ва муҳит яратишнинг кенг имкониятларидан самарали фойдаланиш керак.

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. 56-57 бетлар.

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. 58 бет.

**2-боб: Наманган вилоятида хорижий инвестициялардан фойдаланиш
ва уларни бошқариш муаммолари ҳамда модернизация
жараёнларини кучайтириш**

**2.1. Наманган вилояти иқтисодиётининг
бозор муҳитига хос ривожланиши**

Наманган вилоятининг иқтисодиёти Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий бир қисми бўлиб, вилоятнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланишида унинг таркибидаги ҳар бир вилоят иқтисодиётининг ўрни бўлиши керак ва унинг ривожланишига шароит яратиш лозим. Шунинг учун, биз таҳлил этаётган Наманган вилоятининг иқтисодиётини ўрганиш, унинг ривожланиш даражасини белгилаш, ва маҳаллий иқтисодиётнинг ривожланишида хорижий инвестициялар дан фойдаланиш масалаларида жиддий чоралар кўриб бориш лозим.

Наманган вилояти Ўзбекистон Республикасининг шарқий, Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, унинг умумий майдони 7,44 минг кв. км.га тенг. Аҳолининг зичлиги 1 км.кв.га 286 киши тўғри келади. Аҳолиси 2131,9 минг кишини ташкил этиб, уларнинг 795,2 минг кишига яқини шаҳарда, 1336,7 минг кишидан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайди. Бошқача айтганда жами аҳолининг 62,7 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Наманган вилояти Республиканинг Фарғона водийси ҳудудида жойлашган вилоятлардан бири бўлиб, иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва аҳоли зич жойлашган вилоятлардан бири ҳисобланади. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 3,7% Наманган вилоятига тўғри келади. Ҳаёт қулай агроиклимий омиллар сертармоқ, интенсив қишлоқ хўжалигини қишлоқ хўжалигини, табиий ва меҳнат ресурслари саноат тармоқларини ривожлантириш имконини беради. Наманган вилоятида йирик боғдорчилик-узумчилик, сабзавотчилик ва картошка етиштириш, шунингдек, сут-гўшт чорвачилиги, паррандачилик жуда яхши ривожланган.

Саноатда энергетика, машинасозлик, химия, қурилиш материаллари, енгил ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар, озиқ-овқат саноати Наманган шаҳрида, шунингдек, Учкўрғон, Чортоқ, Тўрақўрғон, Наманган, Поп, Янгиқўрғон, Уйчи, Чуст ва бошқа туманларда ривожланган.

Наманган вилоятида маҳаллий вакиллик органларининг икки бўғинли тизими орқали маҳаллий бошқаришнинг иккита туташ органи фаолият кўрсатади.

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари бўлиб ҳисобланадилар.

Наманган вилоятида 12 та туман бўлиб, уларни бошқариш вилоят ҳокимлиги томонидан амалга оширилади. Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айна бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Вилоят миқёсидаги барча ижро этувчи органлар фаолиятини вилоят ҳокимлиги томонидан назорат этилади.

Наманган вилоятида иқтисодий ислохотларнинг пировард натижалари уни амалга ошириш объектдан қатъий назар (тармоқ, корхона), мужассамланган ҳолда ҳудудий бирлик (вилоят, шаҳар, туман)лар даражасида намоён бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувнинг тармоқ тизимидан функционал тизимига ўтиши маҳаллий бошқарув органлари мавқеини янада оширишни тақозо этади.

Наманган вилоятининг иқтисодиёти турли соҳалардаги тармоқлардан иборат ривожланиб бормоқда. 2015 йилнинг бошига тўғри келадиган статистик маълумотларига кўра вилоятда жами 18891 та рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар мавжуд бўлиб, уларнинг 3769 таси йирик корхоналар ҳисобланса, 15122 та дн ортиғи кичик бизнес субъектларидир. Вилоятда давлат рўйхатидан ўтган жами корхона ва ташкилотларнинг

йирик корхонадар ҳисобидан олганда 3618 таси ҳозирги кунда ўз фаолиятини олиб бормоқда. улар жами рўйхатга олинган йирик корхоналарга нисбатан 95,9%ни ташкил этади. Жами рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг 80%дан ортиғи кичик бизнес субъектларидир.

2.1.1-жадвал

Наманган вилоятида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар сони¹

	Жами	шундан				2014 йил январ-декабр	
		Йирик		кичик	микро- фирма	ташкил топди	туга- тилди
		рўйхат- дан ўтгани	фаолият кўрсатаёт- гани				
Жами	18891	3769	3618	1412	13710	1566	941
<i>Тармоқлар</i>							
Саноат	3166	28	28	172	2966	387	154
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	1520	172	163	72	1276	123	77
Транспорт ва алоқа	606	36	28	70	500	79	31
Қурилиш	1622	32	22	131	1459	178	125
Савдо ва умумий овқатланиш	5582	69	57	548	4965	442	363
Бошқа соҳаларда	6395	3432	3320	419	2544	357	191

Йирик корхоналарнинг аксарияти вилоятнинг Наманган шаҳрида жойлашган бўлиб, улар 636 тани ташкил этади. Саноат корхоналарининг барчаси деярли Наманган шаҳрида жойлашган. Бундан ташкари кичик бизнес субъектларининг асосий қисми ҳам шу ҳудудга тўғри келиб, улар 3594 тадан ортиқни ташкил этади.

Наманган вилоятидаги корхона ва ташкилотларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши ҳақида мулоҳаза юритадиган бўлсак, 2014 йил якуний ҳолатига кўра, уларнинг 93,1 фоизи нодавлат ва атиги 6,9 фоизи давлат мулки ҳисобланади. Бошқача айтганда 23896 та нодавлат ва 1760 та давлат мулки асосида ташкил этилган корхоналар мавжуд бўлиб, улар иқтисодиёт тармоқларининг барча соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик қўшма корхоналар 2.1.2-жадвалда келтирилган бўлиб, уларнинг аксарияти 2008 йилдан буёғида ташкил этилган. Демак, вилоятнинг бошқарувида хорижий инвестициялардан фойдаланишга кенг шарт-шароитлар мустақилликнинг илк йилларидан бошланган бўлсада, сўнгги етти йиллар мобайнида янада кенгайтирилган ислохотларнинг амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Ташкил топган қўшма корхоналар турли тармоқларда мавжуд. Айни жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз бошланган даврларда вилоятимизда қўшма корхоналар ташкил бўлиши кучайган. Бу бизнинг иқтисодиётимизнинг барқарорлигидан, ва хорижий шерикларнинг бизнинг иқтисодиётимизнинг ўсишига ишонч билдирилганлигидан далолат беради.

¹ Жадвал битирувчи талаба томонидан Наманган вилояти паспорти маълумотлари асосида тузилган. Бундаги маълумотлар 1 январь 2015 йил ҳолатига тўғри келади.

**Наманган вилоятидаги хорижий инвестициялар жалб этилган
йирик саноат корхоналари¹**

№	Корхона номи	Ташкил топган йил	Ишловчилар сони	2014 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, (млрд сўм)
1	"Нестле-Ўзбекистон" ҚҚ	2000 й	688	106,7
2	"Ўз Часис" ҚҚ	2008 й	414	68,6
3	"Веригров Ипаги" Хор.К	2012 й	377	0,0
4	"МРТ Текстил" Хор.К	2008 й	450	13,7
5	"Папфен" Хор.К	1999 й	452	15,2
6	"Бирюза Груп" ҚҚ	2011 й	914	20,1
7	"Мега Текстил" Хор.К	2010 й	228	4,4

Вилоятда хорижий инвестицияларни кенг жалб этилиши туфайли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши билан бирга саноат корхоналарида янги ишчи ўринлари яратиш, эскирган технологияларни модернизация қилиш, яъни янги технологияларни олиб келиш ва жорий этиш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, экспортбоп маҳсулотлар турларини кўпайтириш борасидаги ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизнинг тараққиёти бугунги кунда иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини амалга оширишга, таркибий тузулмасин такомиллаштиришда индустриалаштириш босқичига ўтаётганлигига, қишлоқ қиёфасини ўзгартиришда унга саноатни киритишни амалга ошириш тадбирларини қўллашга, хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, айниқса уни қишлоқ жойларда амалга оширишда қўллаш орқали одамларнинг яшаш даражасини яхшилаш каби муҳим муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.

Саноатни ривожлантиришда экспорт масалаларини ҳисобга олиш даркор. Экспортни ривожлантириш сиёсати ва ички талабни бир қатор технологик ривожланишлар билан қўллаб-қувватлаш, электр ва энергияни тежаш мамлакатда янгича мақбул иқтисодий ҳолатни юзага келтирди.

Келажакка, теран назар солиш керак. Иқтисодиётнинг турли соҳалари, хусусан, мамлакатнинг энергетик ва транспорт соҳаларини таркибий ва технологик янгилаш бўйича 300 дан ортиқ лойиҳалар йўналтирилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши учун маблағ ҳам киритилган. Бошқача айтганда келажак авлод учун қулай шароит яратилмоқда.

Саноат тармоғининг ривожланишига бўлган эътибор туфайли вилоятда транспорт тизими етарли ривожлантирилмоқда. Ҳозирги давр саноатини янада кенгайтиришда қуйидагиларга эътибор кучайтирилиши зарур деб ҳисоблаймиз:

- йирик саноат корхоналари транспорт таъминотларини оптимал бошқариш;
- саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ва транспорт жараёнларини ўзаро алоқадорликда моделлаштириш;
- юк ташиш жараёнларини автомобилларнинг асосий иқтисодий-техник кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда моделлаштириш;
- автойўлларни техник ҳолатини кўпфакторли аналитик баҳолаш;

¹ Манба: Наманган вилояти паспорти. 2015 йил.

– фавқулотда ҳолатларда барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш жараёнларини моделлаштириш;

– вилоятда коммуникация (транспорт) тизимини ривожлантириш моделларини ишлаб чиқиш.

Кўриниб турибдики, бу пунктларда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш молиявий масалаларни ҳам инобатга олишни тақозо этади. Бошқа тармоқларда молиялаштириш ишлари амалга оширилганидек, саноат соҳасини ривожлантиришга ҳам эътибор молиялаштиришдан бошланади.

Наманган вилоятида хорижий инвестициялар асосидаги корхоналарнинг фаоллигини ошириш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

– ҳудуднинг экспорт салоҳияти ошириш, экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш, валюта ресурслари тежаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

– инвестицион фаолликни жадаллаштириш, вилоят иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этиш бўйича чора-тадбирларни кенгайтириш ва қулай муҳит шакллантириш.

Хулоса шуки, вилоят иқтисодиёт соҳаларидаги мавжуд номутаносибликларни бартараф этиш учун ҳудудда инвестицион фаолликни жонлантириш, самарали бандликни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ҳудудий иқтисодий имкониятлардан оқилона фойдаланиш орқали вилоятнинг республика иқтисодиётида тутган ўрнини мустаҳкамлаш бугунги кунда энг долзарб масалалар эканлигига эътибор бериш лозим.

2.2. Наманган вилояти иқтисодиётининг ривожланишида хорижий инвестициялардан фойдаланиш амалиёти

Наманган вилояти иқтисодиёти миллий иқтисодиётнинг таркибига кириб, унинг нақадар ривожланиши миллий иқтисодиётимизнинг ҳам тараққиётига олиб келади. Шунинг учун вилоят иқтисодиётини ривожланиб боришига катта эътибор бериб борилади. Бундай эътиборларнинг бири вилоятга хорижий инвестицияларнинг кириб келишига шарт-шароитлар яратишдир.

Наманган вилояти, қолаверса, Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларини кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Наманган вилоятини ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларининг жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай давлат дунёдан ажралган ҳолда жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас.

Бу борада сўз кетганда Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини таъкидлашимиз лозим: “Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни, сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди”¹. Ҳақиқатдан ҳам вилоят иқтисодиётини ривожланишида хорижий капиталдан унумли фойдаланиш чораларини кўриб бориш лозим.

¹Каримов И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. // Халқ сўзи, 2008 йил, 9 феврал.

Агар мустақиллик йилларидан кейинги даврларда хорижий инвестициялар иштирокида ўзбекистонда 100 дан ортиқ қўшма корхоналар барпо этилган бўлса, уларнинг муайян қисми Наманган вилоятига тўғри келади. Дастлабки йиллардан Косонсойда «Косонсой-Текмен», Попда «Поп-Фен», Наманганда «Силк-Род», «Аснам-Текстил» каби қўшма корхоналар фаолият кўрсата бошлаган. Айниқса, Наманган шаҳрида, шу билан бирга, Чуст, Учқўрғон, Поп, Косонсой, Хонобод ва бошқа бу каби ҳудудларда саноат тугунлари жадал ривожланмоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имкониятлар ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштиришга, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Наманган вилояти иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш нечоғлиқ катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваломбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам ватанимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Наманган вилоятида хорижий инвестициялар асосида ташкил этилган корхоналар 2013 йилда 63 тани ташкил этган, яъни шунча хорижий корхона рўйхатдан ўтган. 2014 йилда прогноз бўйича яна битта хорижий корхона рўйхатдан ўтказиш режалаштирилган бўлиб, бу хорижий корхона ишга туширилди.

Наманган вилояти бўйича рўйхатга олинган хорижий корхоналарнинг бугунги кунда фаолият кўрсатаётганлари 60 та бўлиб, рўйхатга олинганга нисбатан олганда 93,7%ни ташкил этади. Агар фаолият кўрсатаётган хорижий корхоналарни 2014 йилдаги ҳолатни 2013 йилга нисбатан солиштирилса 3,4 пунктга ошганлигини келтирилган жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

2015 йил бошига тегишли статистик маълумотларга кўра Наманган вилоятида 4 та хорижий корхона вақтинча ишламаётганлигини кўрсатади. Бошқача айтганда 2014 йилда 2013 йилга нисбатан олганда ишламаётган хорижий корхоналар сони 1 тага камайган. Бу хорижий корхоналарнинг ишламаётганлигини қуйидаги ҳолатларга боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин:

- маҳаллий шарт-шароитларга мослаша олмаслик;
- капитал маблағларнинг мақсадли ишлатилмаслиги, бу кўпроқ шу каби хорижий корхоналарнинг раҳбариятига боғлиқ ҳолат деб белгилаш мумкин;
- янги технологияларни жорий этиш билан боғлиқ муаммоларнинг борлиги;

Ушбу ҳолатлар бугунги кунда маҳаллий бошқарув идоралари, айниқса ҳокимликлар томонидан ўрганилиб борилмоқда.

2014 йилда 2 та хорижий инвестициялар асосида ишлайдиган корхона ташкил этилмоқда. Яқин кунларда мазкур хорижий корхоналар ўз фаолиятларини бошламоқдалар. Инвестициялар хусусий сектор ва давлат томонидан мамлакат ичкарасида ва унинг ташқарисида турли ишлаб чиқаришларга ва қимматбаҳо қоғозларга (акциялар, облигациялар) қўйилиши мумкин. Инвестициялар ялпи ва соф инвестицияларга ажратилади. Ялпи инвестициялар – бу ишлаб чиқариш воситаларининг истеъмол

**Наманган вилоятидаги хорижий инвестициялар
иштирокидаги корхоналар¹**

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2013 й. якуни, ҳақиқат- да	2014 йил якуни		2013 й. якунига нисба- тан %да
				прогноз	ҳақиқатда	
1. Руйхатдан ўтган хорижий инвестиция асосида ташкил этилган корхоналар сони		бирлик	63	64	64	101,6
	шу жумладан:					
	фаолият юритаётганлар	бирлик	58	60	60	103,4
	вақтинча ишламаётганлар	бирлик	5	4	4	80,0
	ташкил этилаётганлар	бирлик	2	1	2	100,0
1.1.	Бутунлай фаолиятини тухтатганлар	бирлик	5	4	5	100,0
2. Ишлаб чиқариш ҳажми, хизмат ва иш		млн. сўм	375600,0	400000,0	403246,0	107,4
2.1.	Минтақада жами ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан улуши	%	48,8	49,0	49,5	х
3. Экспорт ҳажми		минг \$	45367,2	48000,0	48792,6	107,6
3.1.	Минтақа жами экспортига нисбатан улуши	%	41,5	42,5	43,3	х
4. Импорт ҳажми		минг \$	74652,0	75000,0	75862,4	101,6

қилинган қисмини қоплаш ҳамда уларни қўшимча ўсиши мақсадида ишлаб чиқариш жамғармалари ва аҳоли маблағлари қўйилмаларидир. Бошқача сўз билан айтганда, ялпи

¹ Жадвал битирувчи талаба томонидан Наманган вилояти статистика бошқармасидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

инвестициялар ўз ичига амортизация ва соф инвестицияларни қўшади. Соф инвестицияларни аниқлаш учун ялпи инвестициялардан амортизация ажратилади.

Наманган вилоятида хорижий инвестициялардан фойдаланиш имкониятлари кенгайсада, ҳозирда бу ҳудудда 5 та хорижий инвестиция асосида ишлаши керак бўлган корхоналар бутунлай иш фаолиятини тўхтатган.

Шу эътироф этиш керакки, Республикада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш биринчи навбатда давлатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий сиёсатини амалга ошириш мақсадларини кўзлайди. Республика қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл инвестициялари миллийлаштирилиши, давлат тасарруфига олиниши мумкин эмас. Чет эл инвестициялари табиий офатлар, фалокатлар, эпидемиялар ҳолларини мустасно қилганда, риквизиция қилинмайди. Чет эл инвесторларга қонуний фаолият натижасида олинган ўз фойдаси ва бошқа маблағларини чет эл валютасида четга ўтказиш кафолатланади.

Шунинг учун хорижий инвестиция асосида фаолият кўрсатаётган корхоналарга жиддий эътибор бериш керакки, уларни узлуксиз фаолиятини таъминлаш ва давлат томонидан тартибга солиш масалаларида уларга шарт-шароитлар яратиш нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

Наманган вилоятида хорижий инвестициялар асосида фаолият олиб бораётган корхоналар иштирокида 2014 йилдаги ишлаб чиқариш ҳажми ва кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар 403246,0 млн. сўмни ташкил этди. Прогноз ҳолатида бу кўрсаткич роса 400000,0 млн. сўмни ташкил этган эди. Демак амалдаги ҳолат прогноз ҳолатидан 3246,0 млн. сўмга кўп ёки ўсиш суръати 100,8%ни ташкил этди. 2013 йилда хорижий инвестиция киритилган корхоналар томонидан ишлаб чиқариш ҳажми, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар 375600,0 млн. сўмни ташкил этган. Демак, 2014 йилда бу кўрсаткич 27646,0 млн. сўмга ошган. Тегишли йилларда ўсиш суръати 107,4%га тўғри келади.

2.3. Наманган вилоятида хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқаришдаги жузъий муаммолар

Наманган вилоятида хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқариш соҳасида такомиллаштириш масалаларига чуқурроқ эътибор қаратилмоқда. Бунга вилоят раҳбарияти томонидан бир қатор чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Чунки вилоят ишбилармонлари хорижий инвестицияларни жалб этишда ҳали қатор ҳал этилмаётган муаммоларга дуч келмоқдалар.

Хусусан, ҳудудий ва идоравий бошқарув тузилмалари раҳбарларининг ташаббуссизлиги туфайли ушбу сектор фаолияти учун хизмат кўрсатувчи инфратузилма фаолияти жуда сустр. Бу эса республикада хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқаришга тўсиқ бўлаётган салбий сабаблардандир. Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «...жойлардаги тузилмаларга кўпроқ эркинлик бериш, ҳўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига хос усул-услугаларини жорий этишга олиб келмаяпти»¹.

«Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг кўп бўғинли инфратузилмасини яратишни талаб қилади. Инфратузилмага эга бўлмасдан бозор механизмлари тўлиқ ишлай олмайди»². Демак, хорижий инвестицияларни жорий этиш ва уни ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб берувчи, турли хизматлар кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини яхшилаш объектив ҳол бўлиб, у асосан иқтисодиётни юксалишида қулай муҳит яратади.

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. // Turkiston. 17 феврал. 2001. №13-14. (144).

² Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.; Ўзбекистон, 1994. 35 бет.

**Наманган вилоятида фаолият кўрсатмаётган чет эл инвестицияси
мавжуд корхоналар таҳлили¹**

Корхона номи	Ташкил топган йили	Фаолияти тўхтаган йил	Ишламаслик сабаблари (батафсил ёзилсин)
1. "Янтарь" ҚҚ	1993 йил	2007 йил	Корхонанинг фаолият тури озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Корхона мансабдор шахсларига нисбатан 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган. Корхонани тугатиш ҳақида вилоят хўжалик судининг 12.01.2007 йилда ҳал қилув қарори чиқарилган.
2. "Мос-Ном" ҚҚ	1994 йил	2005 йил	Корхона фаолият тури халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва сотишдан иборат. Корхонанинг Низом жамғармаси шакллантирилмаган. Корхонани тугатиш ҳақида вилоят хўжалик судининг 10.05.2005 йилда ҳал қилув қарори чиқарилган. Ҳозирги кунда, қўшма корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари мажбурий ажратмалардан қарздорлиги мавжуд.
3. "Ахсикент" ҚҚ	1994 йил	2006 йил	Корхонанинг фаолият тури тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат. Корхонанинг хорижий таъсисчиси – Корхона туркиянинг “Бурсел” фирмаси улуши маҳаллий тадбиркорлик субъекти томонидан сотиб олинган бўлиб, ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилган ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхона мақомини йўқотган (“Дилрабо СДА” МЧЖ). Қўшма корхонанинг тугатиш комиссияси томонидан вилоят адлия бошқармасига туман хокимлигининг тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этилмаган.
4. "Қоратой Уйчи" ҚҚ	1995 йил	2007 йил	Корхонанинг фаолият тури халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва сотишдан иборат. Корхонанинг Низом жамғармаси шакллантирилмаганлиги ҳисобига вилоят хўжалик судининг 08.07.2007 йилда тугатиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилган. Корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздорлиги мавжуд эмас. Бироқ, “Савдогар банк” Наманган вилоят бўлиmidан олинган кредит фоизи ҳисобидан қарздорлиги мавжуд.

¹ Жадвал битирувчи талаба томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Наманган вилояти ва унинг туманларида хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқариш йўлидаги иқтисодий жиҳатдан салбий тўсиқлар кўп ҳолларда белгиланган ишларнинг аҳволи қониқарсиз эканлигини кўрсатмоқда. Фақат Наманган вилоятида эмас, балки аксарият вилоятларда ишлаб турган қўшма корхоналарнинг деярли кўпчилиги ўзининг фаолиятини ташкил этишда кўп қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқариш ҳамда бозор субъектларининг пухта ишланган лойиҳалари ва истиқболий ташаббуслари зарур молиявий ресурслар ва амалий қўллаб-қувватлаш тизимининг сушт фаолиятига кўра турли сабаблар натижасида амалга оширилмай қолиб кетмоқда. Шу туфайли хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқаришга асосланган корхоналарнинг банкротга учраши ҳоллари рўй бермоқда.

Агар Наманган вилоятида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ҳолатини кўрадиган бўлсак, аҳвол нақадар ачинарли эканлигини кўриш мумкин. Чунки хорижий инвестицияларнинг вилоят иқтисодиётининг айрим тармоқларидагина жалб этилмоқда.



2.3.1-чизма. Корхоналар фаолиятида хорижий инвестицияларни бошқаришдаги муаммолари¹

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, хорижий инвестициялар асосида фаолият кўрсатаётган субъектлар ўзларининг банкротлик ҳолатларини ички

¹ Чизма муаллифники.

омиллардан кўра кўпроқ ташки омиллarga боғлиқлигини таъкидламоқдалар (2.3.1-чизмага қаранг). Бошқача қилиб айтганда, корхонанинг ички муҳитидан кўра корхонанинг ташки муҳити билан боғлиқ иқтисодий муаммоларни ҳал этиш анча мураккабликларни келтириб чиқармоқда.

Наманган вилоятида хорижий инвестициялар асосида тузилган корхоналарнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи муаммолар қуйидагича³:

- хом ашё, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар сотиб олиш учун валюта олиш, хорижий кредит йиналишлари бўйича кредит маблағларини қайтариш имкониятларининг чекланганлиги;
- стартегик хом ашё ресурсларининг айрим турларига ижозат чегараланганлиги;
- фоиз ставкалари юқорилиги, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш тажрибаси йўқлиги, тадбиркорлик маданиятининг етишмаслиги туфайли кредит, молия ресурсларини олиш борасида қийинчиликлар мавжудлиги;
- хорижий инвестицияларни ўзлаштиришда ва экспорт маҳсулотларини сотишда кўмаклашиш учун профессионал маркетинг тузилмаларининг етишмаслиги;
- солиқ тизимида мажбурий бўлган тўрачилик тартиботлари: экспорт-импорт контрактларини рўйхатга олиш, ҳар хил фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар олиш, кредит олиш учун кўп миқдордаги ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳоказоларнинг кўплиги;
- қўшма корхоналар фаолиятида пухта тайёргарлик кўрган, профессионал жиҳатдан ўқувли ташкилотчилар, раҳбарларнинг етишмаслиги.

Кўриниб турибдики, Наманган вилоятида хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқаришга асосланган корхоналарнинг фаолияти асосан корхонанинг ташки муҳити таъсиридан юзага келган муаммоларга кўпроқ дуч келмоқда.

Кўпчилик хорижий инвестиция асосида ташкил этишган корхоналарда ички омиллар ҳам сезиларли даражада корхона фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим қўшма корхоналарга ажратилган кредит маблағларидан мақсадли фойдаланмаяптилар. Бизнес-режа тузишни, маркетинг хизматларидан фойдаланишни яхши ўзлаштириб олмаганлар. Уларда молия ва ишлаб чиқариш интизоми жуда суст.

Эътиборлиси шундаки, кўпчилик тадбиркорлар структурасида, айниқса, ишлаб чиқариш билан банд бўлган тадбиркорлар доирасида айланма маблағга муҳтожлик сезилмоқда. Қарзга олинган маблағ фоизлари ва кредит беришнинг талабларига ҳар доим ҳам қодир бўлмагани учун банк кредитларидан ҳар ким ҳам фойдалана олмайди.

Ҳаттоки, кредит олгандан кейин ҳам айрим тадбиркорлар 3-4 ойлаб ундан фойдалана олмайдилар. Мана шу вақт ичида шартномалар бузилади, товарга бўлган нарх эса ўзгаради. Бу бизнес режадаги ҳисоб кўрсаткичларининг ўзгаришига ва режалаштирилган дастурларнинг бажарилмаслигига олиб келади. Бу эса ўз навбатида рақобатчилик шароитида таваккалчилик даражасини оширади, бу эса ишлаб чиқаришнинг ихтисослашишига ёки банкротга ўчрайдиган иқтисодий тангликка олиб келади.

Фикримизча, 2014 йил бошига қадар хорижий инвестициялар асосида фаолият кўрсатмаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони йилдан йилга ўзгарувчан тенденциясига эга. Уларнинг ўсиш суръатларида йилдан йилга фарқ мавжуд. Наманган вилоятида туманлар бўйича олганда ҳам фаолият кўрсатмаган қўшма корхоналар сони ўзгармоқда

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқаришни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат комиссияси бир қатор чора-тадбирлар кўриб бормоқда. Бу ҳақидаги мулоҳазалар шахсан, Президентнинг бир қатор нутқларида ҳам қаттиқ таъкидлаб ўтилган.

Жойларда ҳокимият ва бошқарув органларининг хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқаришда йўл қўйган камчиикларини ҳам инкор этиб бўлмайди.

³ Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Г.Саидова раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи. 1998. 65 бет.

Ҳар бир киши ўз бизнесининг эгаси эканлигини хис қилиши, унинг ўзига бериб қўйилган эркинликлардан ва ҳуқуқий кафолатланган имкониятлардан фойдаланиб машаққатли меҳнат билан қўлга киритилган даромадини ихтиёрий ҳолда самарали ўзлаштириши лозим. Энг асосийси – кичик ва хусусий бизнес фаолиятини юритишда мулкнинг дахлсизлиги қонуннинг ишлаш механизмига эътибор бериш керакки, у ҳар бир бизнесменга манфаатдорлик билан меҳнат қилиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни мустақил тасарруф этиш, ўз корхонасининг ёки оиласининг (оилавий бизнес) маъмурчилигини таъминлаш имконини берсин. У ўз мулкнинг ҳақиқий эгаси бўлгани учун уни чекланмаган ҳолда ишлатади. Бу ҳақида ҳам мавжуд қонунлар, фармонларда қайд этилган. Амалда эса мулкни тасарруф этишда ҳам жиддий камчиликлар юзага келганки, мулкнинг дахлсизлиги қонуннинг ишлаш механизми тўлақонли амалга оширилмаяпти.

Мулк объекти эркинлик, мустақиллик асосида ўзининг субъекти томонидан ихтиёрий тарзда ўзлаштирилиши керак. Лекин айрим раҳбар ходимларнинг боқимондалик руҳияти сақланиб қолганки, улар кичик бизнес субъектларига «хомийлик қилиб беринг» кабилида бюрократик муносабатларни ханузгача давом эттирмоқдалар. Хатто уларнинг ҳисоб рақамларидаги миқдорнинг ҳажмига қараб «хомийлик»ни белгилашади. Бу эса ҳар қандай бизнес юритувчи шахс ўз ҳисоб рақамидаги суммани сир тутишига ҳаққи борлигини ва уни давлат томонидан ҳуқуқий кафолатланишини тан олмасликдир. Бундай ҳолат кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан олиниси керак бўлган даромадга ҳам салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди, албатта.

Аксарият ҳолларда моддий-техника ресурсларини олишда тадбиркорлар билан давлат корхоналари ўртасидаги тенг ҳуқуқлиликка риоя қилинмаяпти. Ҳокимликларнинг раҳбарлари йирик корхоналарнинг маҳаллалар билан узвий алоқасини таъминлайдиган янги ташкилий шакллари яратиш, қишлоқ жойларида бу корхоналарнинг бўлимларини ва цехларини ташкил этиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўрмаяптилар.

Хулоса шундан иборатки, бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқариш учун республикада барча ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжуд ва бу соҳадаги ишлар ҳали давом этмоқда. Бироқ янгича иқтисодий тафаккурнинг заифлиги туфайли қонунга амал қилмаслик, тартиббузарлик, қонунни «айланиб ўтиш» ҳолатлари хорижий инвестициялардан фойдаланишда, умуман иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай вазият бозор тизимининг такомиллашмаган кўринишини намоён этиши мумкин.

Фикримизча, бугунги кунда айрим ходим ва раҳбарларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари туфайли хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқаришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишида жузъий муаммолар пайдо бўлган. Шу боис, ислохотларни чуқурлаштириш йўлида ушбу муаммоларни бартараф этишга доир масалаларни ҳал этиш давлат сиёсатида ҳам муҳим аҳамият касб этади ва бугунги кунда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш нуктаи назаридан долзарбдир.

2006 йил якунига кўра амалдаги нархларда 275,2 млрд, сўмлик, солиштирма нархларда эса 274,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқилди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда солиштирма нархларда 108,7 фоизни ташкил этди ёки ўтган йилга нисбатан маҳсулот ҳажми 25,3 млрд. сўмга кўпайди. Бу эса ишлаб чиқариш соҳасидаги имкониятларнинг кенгайиб бораётганлигинидан далолат беради.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини вилоятнинг барча туманларида ўсишига эришилиб, Чуст (130,2 фоиз), Норин (125,1 фоиз) ва Уйчи (121,2 фоиз) туманларида мазкур соҳада юқори кўрсаткичлар акс этди. Солиштирма нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 83,8 фоизи йирик ва ўртача корхоналарда яратилди. Шунингдек, жами яратилган саноат маҳсулотларининг 6,6 фоизи кичик корхоналар, 4,2 фоизи уй хўжаликлари, 3,3 фоизи микрофирмалар, 1,6 фоизи ёрдамчи корхоналар, 0,6 фоизи яқка тартибдаги жисмоний шахслар фаолиятига тўғри келади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 2006 йилда вилоят бўйича жами 128,3 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,7 фоизга ўсиш таъминланди. Бу эса 2005 йилнинг 2004 йилга нисбатан олгандаги ҳолатга тенгдир, яъни ўсиш суръатида барқарорлик сақланган. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми Норин туманида 178,9 фоизга, Тўрақўрғон туманида 123,8 фоизга, Чуст туманида 112,5 фоизга ва Наманган шаҳрида 113,3 фоизга бажарилди. Аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 59897,1 минг сўмга тўғри келди.

Наманган вилоятида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш чет эл инвестицияси мавжуд корхоналарда ҳам амалга оширилган. Масалан 2005 йил ҳолатида чет эл инвестицияси асосида фаолият кўрсатган корхоналар томонидан 6709,3 млн. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган бўлса, 2006 йилда эса 6148,6 млн. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Бу эса 2005 йилдаги кўрсаткичга нисбатан олганда 91,6 фоизни ташкил этади. Бироқ, вилоят миқёсида барча тизимдаги ишлаб чиқариш корхоналари томонидан халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш 2006 йилга келиб 139206, млн. сўмни ташкил этиб, бу 2005 йилдаги ҳолатдан 13,6 фоизга кўп эканлигини статистик маълумотлар таҳлилидан билиш мумкин.

Наманган вилоятида савдо соҳаси жуда ривожланган. Бу соҳада ҳозирги кунда (2006 йил ҳолатида) 1471 та корхона давлат рўйхатидан ўтган. Савдогарчилик касби асл наманганликларга хос бўлиб, 2006 йилда улар томонидан жами 428304,1 млн. сўмлик чакана савдо айланмаси содир этилган. Шу жумладан умумий овқатланишда 7899,4 млн. сўмлик ҳажмда амалга оширилди.

Сўнгги йилларда Наманган вилоятида қурилиш соҳасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. Масалан 2006 йилда вилоят бўйича фойдаланишга топширилган уй-жой бинолари сони 8518 тани ташкил этиб, уларнинг умумий майдони 628,3 кв.м.га тенг. Агар бу кўрсаткичларни 2005 йилдаги худди шундай кўрсаткичларига солиштирадиган бўлсак, ўсиш 101,2 фоизга тўғри келади. Бунда асосий капиталга киритилган инвестициялар 37647,06 млн. сўмга тенг бўлиб, жумладан 36894,1 млн. сўмлик ҳажмда қурилиш монтаж ишлари бажарилган.

Бугунги кунда Наманган шаҳрининг майдони ҳам кенгайиб бормоқда. Бу кенгайиш шаҳарга туташ бўлган туманлар оралигидаги майдонларда ҳам ободонлаштириш ишларининг амалга оширилганлиги билан боғлиқ бўлмоқда. Айниқса, ёшлар учун спорт иншоотлари, академик ва касб хунар коллежлари ташкилот ва муассасалар идоралари, уй-жой қурилишлари кенг кўламда амалга оширилди.

Наманган вилоятида иқтисодиётни ривожлантиришда маҳсулотларни экспорт ва импорт қилиш билан боғлиқ ишлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. 2006 йил бўйича берилган маълумотларда вилоятда 94847,6 минг АҚШ долларига тенг бўлган ҳажмда экспорт амаллари бажарилган бўлса, 38063,6 минг АҚШ долларига тенг миқдорда импорт амаллари бажарилган. Демак, 2006 йилда вилоят бўйича жами ташқи савдо айланмаси 132911,2 минг сўмга тенг бўлди. Бу эса 2005 йилга нисбатан 119,4 фоизни ташкил этди. Вилоят бўйича ташқи савдо сальдоси 56784,0 минг АҚШ долларига тенг бўлди.

Албатта импорт амалларини бажаришда туманларга нисбатан Наманган шаҳри устуворроқ бўлди. 2006 йилнинг ўзида шаҳар бўйича 16257 минг АҚШ долларлик ҳажмда импорт операциялари бажарилди. Агар вилоят бўйича берилган кўрсаткичга солиштирилса бу 42,7 фоизни ташкил этади. Қолган 57,3 фоиз ҳажмдаги импорт операциялари вилоятнинг туманлари бўйича тақсимланади. Масалан, Чуст туманида 4841,2 минг АҚШ долларига тенг ҳажмда импорт амаллари бажарилган бўлса, бу ҳам вилоят туманлари ичида энг кўп улушни ташкил этиб, вилоят бўйича олинган кўрсаткичга нисбатан 12,7 фоизни ташкил этади. Вилоятнинг Янгиқўрғон (2356,7 минг АҚШ доллари) ва Поп (1060,8 минг АҚШ доллари) туманларида ҳам импорт амаллари сезиларли даражада бажарилган. Бироқ, вилоятнинг Мингбулоқ ва Норин туманларида импорт операциялари умуман амалга оширилмаган.

Товарлар ва хизматлар импорти бўйича вилоятдаги кўрсаткич жами 38063,6 минг АҚШ долларини ташкил этиб, бунда ҳам биринчи ўринда Наманган шаҳрини қайд этиш мумкин. Товарлар ва хизматлар импортида маҳсулотлар турлари асосан машина жиҳозлари (16413,7 минг АҚШ доллари), кимёвий товарлар ва пласмассалар (7298,5 минг АҚШ доллари), озиқ-овқат маҳсулотлари (6499,3 минг АҚШ доллари), рангли ва қора металллар (633,2 минг АҚШ доллари), ёқилғи маҳсулотлари (54,5 АҚШ доллари) ва бошқа шу каби маҳсулотлардан иборат бўлди. Умуман олганда 2006 йилда 2005 йилга нисбатан бажарилган товарлар ва хизматлар импорти бўйича бажарилган операциялар ҳажми 113,0 фоизни ташкил этди.

Наманган вилояти иқтисодиётини ривожлантиришда экспорт операцияларининг ҳам алоҳида аҳамиятли ўрни бор. 2006 йилда 2005 йилга нисбатан олганда бажарилган экспорт амаллари 122,1 фоизни ташкил этади. Экспорт маҳсулотларидан асосан пахта толаси 60405,3 минг АҚШ долларига тенг ҳажмда дунёнинг бошқа давлатларига етказилди. Бу ўтган 2005 йилга нисбатан 117,3 фоизни ташкил этиб, жами экспортнинг 63,7 фоизни ўз ичига олади. 14967,7 минг АҚШ долларига тенг миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари четга экспорт қилинди. Бундай маҳсулотлар ҳажми 2005 йилга нисбатан олганда 2 мартага кўпайди. Жами маҳсулотлар экспортига нисбатан эса 15,8 фоизни ташкил этди. Турли хил хизматлар экспорти 1703,5 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, 2005 йилга нисбатан олганда 3 мартага ошди. Вилоят бўйича жами маҳсулотлар экспорти ҳажмига нисбатан 1,8 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, ёқилғи маҳсулотларини экспорт қилиш ҳам 2005 йилга нисбатан 74 фоизга ошиб, 844,8 минг АҚШ долларини ташкил этди. Вилоят бўйича жами экспортнинг 0,9 фоизига тенг бўлди.

Аммо машина асбоблари ва ускуналарни экспорт қилиб 2005 йилга нисбатан камайди. 2006 йилда 742,5 минг АҚШ долларига тенг ҳолатда машина асбоблари ва ускуналар экспорт қилинди. Бу ўтган 2005 йилга нисбатан 88,6 фоизни ташкил этади. Бошқача айтганда, машина асбоблари ва ускуналарни экспорти 2006 йилга келиб 2005 йилга нисбатан 11,4 пунктга камайдиган.

Энг кам ҳажмдаги экспорт операциялари рангли ва қора металл маҳсулотлари улушида амалга оширилди. Унинг миқдори 0,2 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, 2006 йилдан биринч бор амалга оширилди.

Товарлар ва хизматлар экспортнинг 16132,6 минг АҚШ долларига тенг қисми бошқа турли хил маҳсулотлар асосида амалга оширилди. Булар 2005 йилга нисбатан 94,7 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга кўра 5,3 пунктга камайдиган ва 2006 йилга тўғри келадиган жами экспортнинг 17,0 фоизини ўз ичига олади.

Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган барча корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижаларига келсак, 2006 йилнинг статистик маълумотларига кўра вилоят бўйича жами фойда 9403,1 млн. сўмни ташкил этди. Бу эса 2005 йилдаги худди шундай кўрсаткичга кўра 6266,1 млн. сўмга кўп эканлигини кўрсатади. Вилоят бўйича фаолият кўрсатган корхона ва ташкилотларда олинган фойданинг энг кўп улуши Наманган шаҳрида жойлашган корхоналарга тўғри келиб, жами фойданинг 81,3 фоизини ташкил этди. Бундан кейинги ўринларни Тўрақўрғон (1026,5 млн. сўм), Поп (581,5 млн. сўм) ва Учқўрғон (243,5 млн. сўм) туманлари эгаллайди. Вилоят бўйича 8 та корхона зарар кўриб ишлаган бўлиб, Бу корхоналарнинг 6 таси Наманган шаҳрида, 1 таси Косонсой ва яна 1 таси Янгиқўрғон туманларида жойлашган. Вилоят бўйича жами кўрилган зарар 6464,7 минг сўмни ташкил этди. Бу миқдорнинг 4954,3 минг сўми, яъни 76,6 фоизи Наманган шаҳрига тўғри келади. Қолган қисми Янгиқўрғон (1427,0 минг сўм) ва Косонсой (83,4 минг сўм) туманларига тўғри келади. Бундай корхоналарни қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари вилоят томонидан белгиланган тегишли ташкилотлар томонидан амалга ошириш кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, Наманган вилоятининг иқтисодиётини ривожлантиришда маҳаллий бошқарув идоралари ва барча бозор субъектлари томонидан салмоқли хисса

қўшиб борилмоқда. Бу билан эса Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиш имкониятлари кенгаймоқда.

2.2. Наманган вилоятида хорижий инвестициялардан фойдаланиш даражаси ва уларни бошқарувини ташкил этиш

Наманган вилоятининг иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил этадиган бўлсак, бошқа вилоятлардаги ҳолатлардан кўра ўзига хос хусусият шаклланган. Масалан, 2007 йилда амалга оширилган чакана савдо айланмаси 585635,8 млн. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилга нисбатан 127,3 фоизни ташкил этди. Жумладан, Уйчи ва Поп туманларининг ҳар бирида бу кўрсаткич 160,0 фоиздан ошди. Наманган шаҳрида 125,6 фоиз, Норин туманида 125,0 фоиз, Косонсой туманида 123,9 фоизни ташкил этди.

Наманган вилоятида иқтисодиётнинг барча тамоқларида инвестициялардан фойдаланилмоқда. Масалан 2007 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми вилоят бўйича 218018,4 млн. сўмга тўғри келган бўлса, жумладан чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобига уларнинг 6,0 фоизи тўғри келди. Вилоят иқтисодиётининг тармоқлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар қурилиш монтаж ишларида 79,2 фоизни ташкил этди. Уларнинг 17,5 фоизи машина, дастгоҳ ва жиҳозлар ҳисобига тўғри келди ва яна 3.3 фоизи бошқалар ҳисобига тўғри келди.

2007 йил бошига келиб, хорижий инвестицияларнинг асосан 4828,0 млн. сўми саноат корхоналарига, 2743,0 млн. сўми халқ таълими соҳасига, 2030,0 млн. сўми соғлиқни сақлаш соҳасига 932 млн. сўми бошқа соҳаларга йўналтирилган.

Бундан ташқари ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокида 5 та корхона ташкил этилди. Булар Ўзбекистон, Тожикистон, Эрон ҳамда Қирғизистон ҳамкорлигида «Vodiy Shirinliklari», Ўзбекистон-Люксембург ҳамкорлигида «Сайдана», «Brauerel», Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигида «Палма текстил» ҳамда Россия ҳамкорлигида «Манзура текстил» қўшма корхоналаридир. Ушбу қўшма корхоналарда иш тартиби қатъий назорат остида бўлиб, ходимлар бунга ўргангандир.

Агар Наманган вилоятида асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланишини таҳлил қиладиган бўлсак, вилоят бўйича жами молиялаштириш 2003-2006 йиллар мобайнида 133 фоизга ўсган. Бошқача айтганда 2003 йилда вилоят бўйича жами 95565,3 млн. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, 2006 йилда уларнинг ҳажми 127312,5 млн. сўмга тенг бўлди.

2003 йилдаги ҳолатда чет эл инвестицияси ҳисобидан 27504,0 млн. сўмга тенг бўлган ҳажмда маблағ ажратилди. Бу вилоят бўйича ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 28,7 фоизини ташкил этди. Шунингдек, Республика Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 25215,4 млн. сўмлик инвестициялар молиялаштирилди. Бу жами вилоят бўйича берилган кўрсаткичнинг 26,4 фоизини ташкил этган бўлса, инвестицияларни жалб этишда корхона ва ташкилот маблағларининг улуши 19851,0 млн. сўмни ташкил этиб, вилоят бўйича инвестицияларнинг улушида 20,7 фоизни ташкил этди. Хусусий шахслар маблағларининг улуши ҳам юқори бўлиб, 18124,8 млн. сўмни ташкил этди. Бу вилоят бўйича берилган кўрсаткичнинг 18,9 фоизини ташкил этган.

Наманган вилоятида 2003 йилда 27504,0 млн. сўмлик хорижий инвестициялар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўзлаштирилди. Хусусан Чуст туманида масъулияти чекланган жамият, яъни «Golden Fruit LTD» агрофирмаси томонидан 1780,0 млн. сўмлик чет эл инвестицияси ўзлаштирилди.

«Golden Fruit LTD» агрофирмаси қишлоқ хўжалигида етиштириладиган мева ва сабзавотларнинг шарбатларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, бу агрофирмани молиялаштириш тўла якунланди ва инвестициялаш жараёни ЕТТБ маблағлари асосида Пахта банк орқали амалга оширилди.

2003 йилда вилоят бўйича жами 27504,0 млн. сўмлик чет эл инвестициялари ўзлаштирилган бўлиб, жами инвестицияларнинг 28,8 фоизини ташкил этади. Бу йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг энг кам молиялаштириш манбаси бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан бўлди ва у 1841,9 млн. сўмни ташкил этди. Жами вилоят бўйича жалб этилган хорижий инвестицияларнинг 1,9 фоизини ташкил этган.

2-жадвал

Наманган вилоятида асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларини тақсимланишида чет эл инвестицияларнинг улуши¹

млн. сўм

Молиялаштириш манбаалари	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2007 й.ни 2004 й.га нисбатан
Республика Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан	29661,2	31987,8	38488,2	48593,4	164,0%
Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	4606,1	3072,6	18225,0	-	-
Бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан	1853,2	5542,6	16961,6	35454,5	19,1 М
Корхона ва ташкилот маблағлари ҳисобидан	18913,3	21078,4	-	118092,3	6,2 М
Чет эл инвестицияси ҳисобидан	4206,7	12765,4	10563,1	13149,3	3,1 М
Хусусий шахслар маблағлари ҳисобидан	21618,8	32769,7	38670,1	-	-
Қарзга олинган маблағлар ҳисобидан	7837,3	1590,2	4404,5	2728,9	34,8%
Вилоят бўйича	88696,6	108806,7	127312,5	218018,4	2,2 М

Шу билан бир қаторда 2003 йилда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 3561,5 млн. сўмлик, қарзга олинган маблағлар ҳисобидан 3466,7 млн. сўмлик инвестициялар амалга жорий этилди.

2004 йилда Наманган вилоятида жами амалга жорий этилган инвестиция ҳажми 88696,6 млн. сўмга тенг бўлди ва 2003 йилдаги ҳолатдан 7268,7 млн. сўмга камайди ва ўтган йилга нисбатан 92,8 фоизни ташкил этди. Бунда хорижий инвестицияларнинг ҳажми 4206,7 млн. сўмга тўғри келди. Бу эса 2003 йилдаги ҳолатдан 23297,3 млн. сўмга камайганлигини кўрсатади. Бошқача айтганда 2004 йилда хорижий инвестицияларнинг ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 15,3 фоизни ташкил этди. Бу жуда сезиларли камайиш бўлиб, маҳаллий ҳокимият ва ҳудудий бошқарув идоралари томонидан қўшимча чора-тадбирлар кўришни тақозо этганди.

¹ Жадвал талаба томонидан Наманган статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2004 йилда Тўрақўрғон туманида тўкимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи «Ас-Шох» қўшма корхонаси ишга туширила бошланди. Бунда ЕТТБ томонидан 2907,0 млн. сўмлик ҳажмда хорижий инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилиб Пахта банки орқали молиялаштириш режалаштирилди. Ушбу кредитнинг 80 фоизи аккредитив Рақамига ўтказилди. Технологиялар олиб келингандан сўнг қолган маблағлари ўтказилиб лойиҳа тўла молиялаштирилди.

Наманган вилояти бўйича олганда 2004 йилда энг юқори молиялаштириш манбаси аввалгидек сақланиб қолди. Бу йилда ҳам инвестицияларни ажратиш бўйича асосий устунлик Республика Давлат бюджетига тегишли бўлди. Унинг маблағлари асосида 29661,2 млн. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Агар 2003 йилда вилоят бўйича асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари орасида хорижий инвестициялар ҳисобидан маблағ жалб этиш 1 ўринда турган бўлса, 2004 йилга келиб, бу 6 ўринга тушиб қолди. Бу йил мобайнида қарзга олинган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш кучайди ва у 7837,3 млн. сўмни ташкил этиб, 2003 йилга нисбатан олганда 2,2 мартага ошди.

2004 йилда чет эл инвестициялари ҳисобидан молиялаштириш ҳажми вилоятдаги умумий инвестиция ҳажмига нисбатан 4,7 фоизни ташкил этди. Бу эса 2003 йилдаги нисбатдан роса 24 пунктга камдир. 2003-2004 йиллардаги ҳолатда вилоят бўйича жами жалб этилган инвестицияларнинг ўзгариши ва унинг таркибидаги хорижий инвестицияларнинг ҳажмларидаги ўзгаришларда тескари пропорционаллик мавжуд.

Шунингдек, 2004 йилда корхона ва ташкилот маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ҳам 937,7 млн. сўмга камайган. Аммо бундай молиялаштириш манбаси томонидан вилоят бўйича берилган кўрсаткичнинг 21,3 фоизи амалга оширилди. Ўтган йилда бу нисбат 20,7 фоизни ташкил этган эди. Демак вилоят бўйича берилган нисбатга кўра олганда корхона ва ташкилот маблағлари ҳисобидан молиялаштириш атиги 0,6 пунктга бўлса-да ошган.

2005 йилда Наманган вилояти бўйича хорижий инвестициялар 12765,4 млн. сўмлик миқдорда амалга жалб этилди. Бу вилоят бўйича берилган жами ажратилган инвестицияларнинг 11,7 фоизини ташкил этди. Бошқача айтганда 2004 йилдаги худди шундай нисбатдан роса 7 фоизга ошган. Бу даврга келиб, вилоят бўйича асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг жами ҳажми 108806,7 млн. сўмга тенг бўлиб, 2004 йилдаги ҳолатдан 20110,1 млн. сўмлик кўпайган.

2005 йилда инвестицияларни ажратишда энг кам миқдор қарзга олинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилди. Бу йилда 2004 йилга нисбатан олганда қарзга олинган маблағлар ҳисобидан атиги 1590,2 млн. сўм ҳажмда инвестициялар ажратилди. Хорижий инвестициялар улушига нисбатан олганда 12,4 фоизни ташкил этади. Ваҳоланки 2004 йилда бу икки кўрсаткичларнинг нисбатида хорижий инвестицияларнинг улуши қарзга олинган маблағлар ҳисобидан олинган инвестицияларнинг улушига нисбатан олганда 53,6 фоизни ташкил этган.

2006 йилда Наманган вилоятида турли манбалардан жами ажратилган инвестициялар ҳажми 127312,5 млн. сўмга тенг келган. Хорижий инвестициялар салмоғи 10563,1 млн. сўмни ташкил этиб вилоятдаги кўрсаткичга нисбатан 8,3 фоизга тенг. Бу кўрсаткич 2005 йилдаги ҳолатдан 3,4 пунктга камайган. Бу йилга келиб, корхона ва ташкилот маблағлари ҳисобидан умуман инвестициялар ажратилмади.

Наманган вилоятида 2006 йилга келиб, инвестицияларни ажратишда ва уларни молиялаштириш бўйича хусусий шахслар маблағлари устуворлик қилди. Бундай инвестицияларнинг ҳажми 38670,1 млн. сўмга тенг бўлди. Бу 2003 йилдаги ҳолатдан 20545,3 млн. сўмга кўпайганлигини кўрсатади.

2006 йилда маҳаллий иқтисодиётнинг ривожланишига жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 2003 йилга нисбатан 38,4 фоизга камайганлигини 2-жадвалдан кўриш мумкин.

Вилоят бўйича 2006 йилда жалб этилган хорижий инвестицияларнинг 83,3 фоизи Наманган шаҳрига тўғри келди. 10,1 фоизи Тўрақўрғон туманига тўғри келди. Бу кўрсаткич 2003 йилдаги ҳолат билан солиштирилганда 25,4 фоизга ошганлигини 3-жадвалда кўриш мумкин.

Бироқ вилоят туманлари бўйича хорижий инвестицияларнинг салмоғидаги ўзгаришларни таҳлил этадиган бўлсак, энг юқори ўзгариш Косонсой туманига тегишли бўлиб, агар 2006 йилдаги ҳолатни 2003 йилга нисбатан солиштирадиган бўлсак, туманда хорижий инвестицияларни жалб этиш 3 мартага ошганлигини 3-жадвалдан кўриш мумкин.

2007 йил мобайнида хорижий инвестициялардан фойдаланиш бўйича олинган натижа Наманган шаҳри, Уйчи ва Наманган туманларига тегишлидир. Чунки бу туманлардан бошқа туманларда хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишга эришилмаган. Ваҳоланки вилоятнинг бу ҳудудларда ҳам ишлаб чиқаришга жалб этиш мақсадидаги талайгина объектлар борки, улар ханузгача ишга туширилмаяпти.

3-жадвал

**Наманган вилоятида хорижий инвестициялардан
фойдаланишнинг ҳудудлар бўйича тақсимооти¹**

млн. сўм					
ҳудудлар	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Мингбулоқ	23,5	52,4	55,3	18	-
Косонсой	95,4	155,3	147,0	292,4	-
Наманган	1709,0	101,5	49,6	-	343,3
Норин	186,5	291,8	2782,8	7,1	-
Поп	54,2	66,8	75,8	-	-
Тўрақўрғон	852,1	2907,0	78,6	1067,1	-
Уйчи	-	43,9	58,9	-	1381,8
Учқўрғон	-	94,4	119,8	353,3	-
Чортоқ	-	136,8	108,6	-	-
Чуст	24583,3	110,4	4746,4	25,9	-
Янгиқўрғон	-	122,6	93,6	-	-
Наманган ш.	-	123,8	4449,0	8799,3	11424,2
Вилоят бўйича	27504	4206,7	12765,4	10563,1	13149,3

3-жадвал бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, ижобий ҳолатни Косонсой, Тўрақўрғон, Учқўрғон туманлари ва Наманган шаҳри бўйича кўришимиз мумкин. Қайд этилган ушбу ҳудудларда хорижий инвестицияларни жалб этиш йилдан йилга ошиб бориш тенденциясига эга бўлиб, бу ҳудудларнинг иқтисодий қиёфасини ҳам ўзгартимокда.

Хорижий инвестицияларни жалб этишдаги энг сезиларли ўзгариш Наманган шаҳрига тегишли бўлиб, агар 2006 йил ҳолатини 2004 йилга нисбатан солиштирилса, 71,1 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Бу икки йиллик ўзгариш натижалари шундан далолат берадики, Наманган шаҳрининг иқтисодиётида юксалиш рўй берди.

¹ Чет эл инвестициялари ва кредитлари биргаликда ҳисобланган

3-боб: Ўзбекистонда хорижий инвестициялардан фойдаланишни моденизация шароитларига хос такомиллаштириш йўналишлари

3.1. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириб, бир қанча халқаро молиявий ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрната бошланди. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва кенгайтириш, инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратиш учун қонун ҳужжатлари, кўплаб Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, Президентимиз томонидан 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли қарорида 2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Ушбу қарор билан хорижий инвестицияларини жалб қилиш борасида тижорат банкларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш мақсадида халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларини ўзлаштириш ва жалб қилишни фаоллаштириш, бунда кўрсатилган молиялаш манбалари ҳисобидан 2011 йилда—75 млн. долл., 2012 йилда—90 млн. долл., 2013 йилда—110 млн. долл., 2014 йилда—130 млн. долл. ва 2015 йилда—155 млн. долл. дан кам бўлмаган ҳолда молиялаштиришни таъминлаш вазифалари белгилаб берилди.


Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Хитой тараққиёт банки, Германиянинг КфВ банки, Корея Эксимбанки, Осиё тараққиёт банки каби қатор ривожланган давлатларнинг банклари ва халқаро молия институтларининг узоқ муддатли имтиёзли кредит ресурс маблағлари жалб этилмоқда.

Хусусан, Миллий банк, Асака банк, Саноатқурилишбанк, Халқ банки, Ҳамкорбанк, Ипотека банк, Ипак йўли банклари томонидан хорижий молия институтлари билан мунтазам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, тижорат банклари томонидан уларнинг имтиёзли маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг лойиҳалари молиялаштирилмоқда.

Жумладан, тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш учун ўзлаштирилган хорижий кредит линиялари ҳажми 2009 йилда 50,6 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2013 йилда мазкур кўрсаткич 145,0 млн. АҚШ долларида ошди. Ушбу ажратилаётган кредитлар иқтисодиётимизнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги инвестицион лойиҳаларни ишга туширилишига кўмак бўлмоқда.

Тижорат банклари томонидан жалб қилинаётган хорижий молия институтларини маблағларини ўзлаштирилишини янада жадаллаштиришда қатор масалалар ўз ечимини топиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, тижорат банклари томонидан кредит ажратилишида кредитлашнинг асосий тамойилларидан бири кредитнинг таъминланганлик тамойилидир. Инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда кредит таъминотининг етишмаслиги масаласининг ечими республикаимиз тадбиркорлик субъектлари учун асосий рағбатлардан бири ҳисобланади.



■ Кўчмас мулк ■ Кафиллик ва кафолат ■ Кўчар мулк ■ Суғурта полиси ■ Бошқа таъминотлар

3.1.1-чизма. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг таъминот турлари бўйича улушининг динамикаси¹

¹ Тижорат банклари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Тижорат банклари томонидан 2009-2013 йиллар давомида тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларга расмийлаштирилган таъминот кўрсаткичлари 2009-2010 йилларда кўчмас мулк ва кўчар мулк барча таъминотларнинг асосий қисмини ташкил этган бўлса, 2014 йил 1 январь ҳолатига келиб уларнинг улуши бир мунча камайган. Шунингдек, учинчи шахснинг кафиллиги ва давлат кафолати улуши 2009-2010 йилларда жуда кам бўлган ва 2012 йил 1 январь ҳолатидан барча таъминотларга нисбатан кескин ошган.

Тижорат банклари томонидан 2010 йилдан бошлаб омонатлардан кредит таъминотида сифатида қўллаш механизмидан фойдаланиш ҳажми ошган. Суғурта полиси улуши 2009-2010 йилларда 0,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йил 1 январь ҳолатига келиб 5,0 фоизни ташкил этган.

Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштирилишида кредит таъминотининг етишмаслиги муаммоси фақат бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда эмас, балки ривожланган АҚШ, Япония ва Европа давлатларида ҳам мавжуд. Ушбу давлатларда бу муаммо Давлат кафолат фонди орқали тижорат банклари кредитларининг 50-80 фоизигача миқдорида кафиллик бериш билан ўз ечимини топади.

Кичик бизнес субъектлари учун Давлат кафолат фондиди ташкил этишнинг асосий мақсади фойда олиш эмас, балки банк кредитини олишда гаров таъминотининг мавжуд бўлмаслиги ҳолатида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда молиялашни кенгайтиришга хизмат қилишдир.

Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш Давлат кафолат фондиди ташкил қилиниши натижасида қуйидагиларга эришиш мумкин:

- давлатнинг кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга замин яратилади;
- ўз бизнесини янгидан бошлаган ва амалга оширишни мўлжаллаган лойиҳалари экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган, лекин кредит таъминотига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари фонднинг кафолати асосида ўз лойиҳаларини молиялаштириш имкониятига эга бўлади.

Республикамизда тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, соҳа субъектларининг имтиёзли кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида хорижнинг илғор тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда ва мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича Давлат кафолат фондиди ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кафолат тизимининг ташкил этилиши Ўзбекистоннинг етакчи хорижий давлатлар билан ўзаро тенг бўлган манфаатли шартлар асосида улар томонидан берилган инвестицияларнинг қайтишини юқори технологик кафолатлаш механизмини таклиф қилган ҳолда ишлашини исботлайди. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, импортнинг ўрнини босишга, мамлакат бюджетига солиқ тушумлари тушишининг ўсишига ҳамда қўшимча янги иш ўринларини яратилишига олиб келади. Шу билан бирга, кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича Давлат кафолат фондиди ташкил этиш билан хорижий молия институтларини кредит маблағларини ўзлаштирилиши янада жадаллаштирилади ва бунинг натижасида банк ресурс маблағларини ошишига, банк ликвидлигини яхшиланишига, шунингдек, кредит линиялари билан таклиф қилинаётган ишлаб чиқариш технологиялари олиб келинишига ва давлат иқтисодиётининг барча соҳаларини янада ривожланишига эришилади.

3.2. Ўзбекистонда инвестицион муҳитни янада кенг яратиш истиқболлари

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида тармоқ ва корхоналарнинг инвестицион фаоллигини ошириш, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни иқтисодиётнинг экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарига йўналтирилиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг мамлакатимизда 2014 йилда ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мулжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида қуйидагилар таъкидланган: «...жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш натижасида 2014 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Бунда жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Инвестиция дастурини амалга оширишда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларнинг салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, биргина ўтган йилда бундай инвестициялар ҳажми 10,3 фоизга ўсиб, 4 миллиард 300 миллион долларни ёки жами инвестициялар ҳажмининг қарийб 30 фоизини ташкил этди. Ўтган йили тижорат банкларининг инвестициявий фаолияти ҳам кенгайди. Улар томонидан 1 миллиард 700 миллион доллар ёки 2013 йилга нисбатан 20 фоиз кўп инвестициялар йўналтирилди. Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига ва қарийб 40 фоизи замонавий машина ва ускуналарни харид қилишга сарфланди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсат ва қулай инвестицион муҳитнинг яратилишини ўзига хос хусусияти маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида 2014 йилда замонавий, юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди. Жумладан, тўқимачилик соҳасида Қорақалпоғистон Республикасидаги «Манғит» масъулияти чекланган жамияти базасида йилига 5 минг тонна маҳсулот чиқариш қувватига эга бўлган ип-калава йигирув корхонаси ташкил этилди».

Мамлакатимизда, ҳозирги кунда жаҳон бозорида тенг рақобатлаша оладиган ва кейинги босқичда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган тармоқ ва корхоналарни жадал ривожлантириш ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни таъминлашга барча шарт-шароитлар яратилган.

Шу муносабат билан ҳисоб ва таҳлил амалиётида миқдорий ва сифат кўрсаткичларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Сифат омили сифатида корхонанинг муҳим иқтисодий самарадорлигини характерловчи кўрсаткичларнинг динамикаси таҳлил қилинади.

Ҳозирги кунда дунёда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз Республикамиз иқтисодиётида ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, жаҳон бозорида хом ашё ресурсларининг, хусусан, пахта хом ашёсининг нархи кескин тушиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, тўқимачилик ва енгил саноатнинг бошқа тармоқларида ана шу пахта хом ашёсини янада чуқур қайта ишлашни таъминлаш, бўялган ип-калава, трикотаж полотноси ва матолар каби тайёр маҳсулотларни хорижий мамлакатларга экспорт қилиш,

кейинчалик, замонавий технология ва дизайнни фаол ўзлаштириш асосида, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда улкан самарага эришишга асос бўлади. Республикамизда 2014 йил 16-17 октябрь ойда бўлиб ўтган Халқаро пахта ярмаркасида пахта толаси билан бир қаторда тўқимачилик маҳсулотларини ҳам сотиш бўйича хорижий харидорлар билан битимлар тузилди, яъни 580 минг тонна пахта толаси ва 1,0 млрд. АҚШ доллариға тенг бўлган тўқимачилик маҳсулотларини сотишга оид шартномалар тузилди.

Ҳозирги кунда юртимизда фаолият юритаётган 90 дан ортиқ Ўзбекистонда ва унинг ташқарисида танилган хорижий давлатларнинг инвесторлари иштирокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Булар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида тўлиқ чет эл капитали ва корпоратив бошқарувнинг хорижий усуллариға асосланган корхоналар самарали фаолият олиб бормоқда.

Фикримизча, хорижий тўқимачилик компанияларни илғор тажрибаларини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш асосида корхоналаримиз учун корпоратив бошқарувнинг намунавий тузилмаларини яратиш, айниқса, акциядорлик жамиятларининг бошқарув тизимини шу асосда ислоҳ қилиш давр талабидир.

Бугунги шароитда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш банк тизимининг инвестициявий жараёнда фаол иштирок этиш, авваламбор иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашга боғлиқдир. Бу ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш, бунинг асосида иқтисодиётнинг тез суръатларда ривожланишини таъминлаш дастурларини амлаға ошириш учун ички ва хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўли билан инвестициявий фаолиятини жадаллаштиришни назарда тутди. Мазкур жараёнларда хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва банк тузилмалари томонидан кўрсатиладиган аниқ ёрдами ва кўмағи муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда республика тижорат банкларининг халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ишбилармонлик алоқаларни мустаҳкалаши куйидаги устувор йўналишларда амалға оширилмоқда:

- корреспондентлик муносабатлари, банклараро операциялар ва
- савдо операцияларини қисқа муддатли молиялаштириш соҳаларида.

Хусусан, айна пайтда Ўзбекистон тижорат банклари JP Morgan Chase (АҚШ), Korea Exim Bank (Корея Республикаси), UBS AG (Швейцария), Commerzbank AG (Германия), SMBC (Япония), RZB (Австрия), Citi Bank (АҚШ), ВТБ (Россия) ва бошқа шунга ўхшаш етакчи банкларнинг савдони молиялаштириш соҳасидаги экспорт-импорт операциялари бўйича кредит линияларидан фойдаланиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тезкор ривожлантирилиши қулай шароитлар яратиш учун уларни кредитлашни кенгайтиш, микромолиялаштиришни янада рағбатлантириш, шунингдек, ресурс базасини ошириш мақсадида мамлакатимизнинг бир қатор тижорат банклари томонидан халқаро молия институтларининг кредит линиялари жалб этилган ҳамда ана шу асосда банк муассасалари тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлариға ўзоро фойдали шартлар асосида жозибадор кредит маҳсулотларнинг кенг доирасини (имтиёзли фоиз ставкаларида ва узоқ муддатға) тақлиф қилинмоқда.

Ўзбекистон банк тизимининг асосий ҳамкорлари орасида: Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, БМ тузилмалари, Араб Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг мамлакатлари, Жанубий Корея, Хитой, Германия ва бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари бор бўлиб, улар томонидан ўтган йиллар давомида иқтисодиётнинг кичик бизнес ва хусусий секторини молиялаштириш учун 1,5 млрд. АҚШ доллоридан ортиқ кредит ресурслари ажратилган.

Кейинги йилларда Халқаро молия институтлари кредит линиялари маблағларини ўзлаштириш доирасида тижорат банклари фаолиятида инвестициявий лойиҳалар билан ишлашнинг «лойиҳавий молиялаштириш» деган ном олган тубдан янги шакли тобора кенг

оммалашмоқда. Бинобарин, кредитлаш турли тармоқлар бўйича амалга оширилмоқда, қарз маблағлари эса ҳам миллий валютада, ҳам ЭАВда тақдим этилади. Бунда импорт асбоб-ускуналари ва технологиялари харидларини молиялаштириш; ишлаб чиқаришни кенгайтириш (асосан енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасида); ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва уларга бирламчи ишлов бериш; асосий воситаларни, шу жумладан, машина ва асбоб-ускуналар, меҳнат қуролилари, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, фурнитурани харид қилиш, ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначиликни ташкил этиш, туризм ва хизмат кўрсатиш, айниқса, қишлоқ жойларда уларни ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилади.

Шу билан бирга, банк тизимини ривожлантиришда асосий дастурий ҳужжат ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори ҳақоро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори билан 2011 йилдан 2015 йилгача кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш учун халқоро молия институтлари ва хорижий давлатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари ҳамда грантларни фаол тарзда жалб этиш ва ўзлаштириш қуйдаги суммалардан кам бўлмаган тарзда назарда тутилган: 2011 йилда 75 млн. АҚШ доллари, 2012 йилда 90 млн. АҚШ доллари 2013 йилда 110 млн. АҚШ доллари 2014 йилда 130 млн. АҚШ доллари ва 2015 йилда 155 млн. АҚШ доллари. Мамлакатимиз Президентининг юқоридаги қарори талабларини ўз вақтида ва самарали ижро этиш мақсадида Марказий банк томонидан банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва улар бугунги кунда ҳаётга татбиқ этилмоқда ҳамда ўз самарасини ҳам бериб келмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизимининг капитал етарлилиги даражаси 24,2 фоизни ташкил этади, бу эса Халқоро банк назорати бўйича Базель қўмитасининг талабларидан уч баробар кўпдир. Банк тизимининг жорий ликвидлилиги сўнгги йилларда 65,5 фоиздан юқори даражада сақланиб, белгиланган халқоро стандартлардан 2 мартага ортиқдир.

Бугунги келиб фаолият кўрсатиб келаётган 26 тижорат банкига «Fitch Ratings», «Standard & Poor s», «Moody's» сингари етакчи халқоро рейтинг агентликлари томонидан «барқарор» прогнози билан ижобий ретинг белгиланган. Бутун дунёда мазкур кўрсаткичлардан банк сектори ҳолатининг баҳосини аниқ равшан кўрсатадиган дастак сифатида фойдаланилади. Шуни қайд этиш керакки, амалдаги норматив-ҳуқуқий база банк хизмати тизимини янада такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида республикамызда қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатлари ҳам Халқоро молия институтлари ҳамда хорижий давлатлар ҳукуматлари вакилларининг эътирофига сазовар бўлиб келмоқда.

Банк инвестициявий фаолиятининг асосий йўналишларини кўриб чиқиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келаётган тижорат банкларининг хорижий инвестициялар ва кредит линияларини жалб қилиш соҳасида Халқоро молия институтлари билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш долзарб масалалигича қолмоқда.

Шундан келиб чиқиб ҳулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда шуларга асосан шаклланган маҳаллий корхоналаримиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерликни ўзаро қафолатли тарзда кредитлаш механизми тўлалигича ўзини оқламоқда ва бу механизм миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ва аҳолининг фаровонлигини оширишга беминнат хизмат қилиб келмоқда.

3.3. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқаришдаги самарадорлик

Умуман олганда самарадорлик муайян натижаларга эришишни англатади. У сарафланган харажатлар ва олинган натижалар нисбати асосида аниқланади. Харажатлар

қанчалик кам ва натижалар қанчалик кўп бўлса, самарадорлик ҳам шунчалик юқори бўлади.

Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги бутун ишлаб чиқариш самарадорлигининг таркибий қисмидир. Турли даражадаги хўжалик фаолиятида инвестицияларнинг иложи борица кўпроқ фойда, қайтим келтириши асосий вазифа қилиб белгиланади. Бу қоидадан четга чиқиш ресурсларни йўқотиш, жамиятнинг илгариги ва ҳозирги меҳнатини йўққа чиқаришга олиб келиши мумкин.

Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш зарурати, қўшимча капитал қўйилмалар киритилишини талаб қилувчи янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қуrollантириш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва ташкилий-техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби барча ҳолларда юзага келади. Баъзан маҳсулотларнинг янги турини ишлаб чиқариш ҳам инвестиция ва бошқа маблағлар киритилишини, демак, харажат ва натижалар нисбатини аввалдан баҳолашни талаб қилади.

Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда корхоналар иккита вазифани ҳал қилишлари лозим:

биринчиси - капитал қўйилмаларнинг қопланиш муддати ва даромадлилиги нуқтаи назаридан, энг мақбул вариант танлаш имкониятини яратувчи инвестицион лойиҳа самарадорлигини баҳолаш;

иккинчиси - мавжуд ишлаб чиқаришга ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида киритилувчи инвестициялар самарадорлигини баҳолаш (қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, таннархни камайтириш, фойдани ошириш ва ҳоказо).

Биринчи вазифанинг ечими мос келувчи маркетинг тадқиқотларини амалга оширишни кўзда тутиб, бу тадқиқот давомида талаб ва ундан келиб чиқувчи таклиф, бозор сегментацияси, баҳони шакллантириш стратегияси, молиялаштириш манбалари ва бошқалар аниқланиши лозим. Инвестицион лойиҳани муқобиллик асосида танлагандан сўнг бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатларни, техник ва бошқа қарорларни, жумладан, муҳандислик таъминоти, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар тайёрлашишлари амалга оширилади.

Инвестицион лойиҳани тайёрлаш ва шунга мос равишда инвестициялар самарадорлигини баҳолаш зарурати кўп ҳолларда янги корхона, цехлар қуриш ёки мавжуд ишлаб чиқаришни қайта тиклаш ва кенгайтириш билан боғлиқ бўлади. Буларнинг барчаси нафақат маконда, яъни маълум бир ҳудудда, ер майдонида, балки вақтда амалга оширилиши сабабли, вақт муддати лойиҳани амалга ошириш, жумладан, корхонани ташкил қилиш (қайта тиклаш, кенгайтириш) ҳамда эксплуатация қилиш ва тугатиш муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашда қуйидагилар асосий кўрсаткич ҳисобланади:

1) Соф дисконтланган даромад (СДД) - бутун ҳисобот даври учун жорий самаралар йиғиндисининг бошланғич кадамга келтирилган миқдори ёки интеграл натижаларнинг интеграл харажатлардан ошиб кетиши. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$СДД = \sum_{t=0}^T (H_t - X_t) \frac{1}{(1 + E)^t}$$

Бу ерда:

H_t - ҳисоб-китобларнинг t -қадамида эришилувчи натижалар;

X_t - худди шу кадамда амалга оширилувчи харажатлар;

T - ҳисоб-китобларнинг вақт муддати;

E - дисконт нормаси.

Агар инвестицион лойиҳанинг СДД миқдори ижобий бўлса, у ҳолда лойиҳа самарали, яъни инвестиция маблағлари даражасининг қабул қилинган дисконт нормасини таъминловчи ҳисобланади.

Харажатлар ва уларнинг натижалари миқдорини келтириш уларни *дисконтлаш коэффициенти* (d_t) га кўпайтириш асосида амалга оширилиб, бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$d_t = \frac{1}{(1 + E)^t}$$

Бу ерда:

t - натижаларни олиш (харажатларни амалга ошириш) давридан таққослаш давригача бўлган муддат бўлиб, йилларда ўлчанади.

Дисконт нормаси (E) - бошқа инвесторлар ўз маблағларини худди шу турдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун киритишга рози бўлувчи, капиталнинг даромадлилик коэффициенти (даромад миқдорининг капитал қўйилмаларга нисбати).

Агар дисконт нормаси вақт давомида ўзгарадиган бўлса, дисконт коэффициенти (d_t) қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$d_t = \frac{1}{\prod_{k=1}^t (1 + E_k)}$$

Бу ерда:

E_k - k -йилдаги дисконт нормаси;

t - ҳисобга олинувчи вақт муддати, йил.

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашда маҳсулот ва истеъмол қилинувчи ресурсларнинг базис, башорат қилинувчи, жаҳон ва ҳисобий баҳоларидан фойдаланилади.

2) Инвестицияларнинг даромадлилик индекси (ИД) - келтирилган самаранинг инвестициялар миқдorigа (K) нисбати бўлиб, қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$ИД = \frac{1}{K} \sum_{t=0}^T (H_t - X_t) \frac{1}{(1 + E)^t}$$

Агар даромадлилик индекси бирга тенг ёки ундан катта бўлса, инвестицион лойиҳа самарали, акс ҳолда эса самарасиз ҳисобланади.

3) Ички даромадлилик нормаси (ИДН) - келтирилган самара миқдorigа келтирилган инвестиция миқдorigа тенг бўлган ҳолдаги дисконт нормаси ($E_{ич}$), яъни $E_{ич}$ (ИДН) қуйидаги тенглик орқали аниқланади:

$$\sum_{t=0}^T (H_t - X_t) \frac{1}{(1 + E_{ич})^t} = \sum_{t=0}^T \frac{K_t}{(1 + E_{ич})^t}$$

Ушбу формула асосида аниқланган даромадлилик нормаси миқдorigа инвесторнинг капиталга талаб қилувчи даромад миқдorigа билан таққосланади. Агар ИДН талаб қилинувчи даромад нормасига тенг ёки ундан катта бўлса, у ҳолда лойиҳа самарали ҳисобланади.

4) Инвестицияларнинг қопланиш муддати ($T_{и}$) - инвестицион лойиҳани амалга оширишни бошлашдан то натижаларга эришишгача бўлган минимал вақт муддати. У қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$T_u = \frac{I_c}{\Pi_m}$$

Бу ерда:

I_c - соф инвестициялар;

Π_m - лойиҳа келтирувчи ўртача йиллик пул маблағлари оқими, сўм.

Шу билан бирга қопланиш муддати лойиҳанинг даромадлиги кўрсаткичи ҳисобланмайди. Шу сабабли амалиётда инвестициялар бирламчи капитал (қўйилма)га нисбатан даромадлилик кўрсаткичи орқали кўриб чиқилади ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$D_u = \frac{M_n}{K} \times 100$$

Бу ерда:

D_u - инвестициялар даромади, % да;

M_n - солиқлар тўлангандан сўнг қолган фойда, сўм;

K - инвестициялар (бошланғич).

У ёки бу инвестицион лойиҳани танлаш тўғрисида қарор қабул қилишда корхоналар қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим:

- ишлаб чиқаришдаги бугунги ҳолат қанча давом этиши мумкин ва бозорда маҳсулотга (иш, хизматга) бўлган талаб қандай;
- капитал киритиш учун имкониятлар қандай;
- рақобатчилик фаолияти қандай;
- қандай муваффақият омиллари мавжуд;
- янги бозорга кириш учун қандай имкониятлар мавжуд.

Иқтисодий самарадорликни баҳолашнинг *иккинчи ҳолатида*, яъни маблағларни мавжуд ишлаб чиқаришга киритишда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади:

а) инвестицияларнинг ҳар бир сўмига тўғри келувчи қўшимча маҳсулот қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\Theta = \frac{(ЯМ_1 - ЯМ_0)}{I_k}$$

Бу ерда:

Θ - инвестициялар самарадорлиги;

$ЯМ_0$, $ЯМ_1$ - ялпи маҳсулот, мос равишда бирламчи ва қўшимча инвестицияларда;

I_k - қўшимча инвестициялар миқдори.

б) инвестицияларнинг ҳар бир сўмига таннархнинг пасайиши:

$$\Theta = \frac{Q(TH_0 - TH_1)}{I_k}$$

Бу ерда:

TH_0 , TH_1 - маҳсулот бирлиги таннархи, мос равишда, бирламчи ва қўшимча инвестицияларда;

Q - қўшимча инвестициялар киритилгандан кейинги йиллик маҳсулот ҳажми, натурал ўлчов бирл.

в) инвестицияларнинг ҳар бир сўмига маҳсулот ишлаб чиқаришдаги меҳнат харажатларини қисқартириш:

$$\Xi = \frac{Q(M_0 - M_1)}{I_0}$$

Бу ерда:

M_0, M_1 - маҳсулот бирлигига ишлаб чиқаришда сарфланувчи меҳнат харажатлари, мос равишда қўшимча инвестициялар киритилгунча ва ундан сўнг

г) инвестицияларнинг ҳар бир сўмига фойдани ошириш:

$$\Xi = \frac{Q(\Phi_1 - \Phi_0)}{I_0}$$

Бу ерда:

Φ_0, Φ_1 - маҳсулот бирлигига тўғри келувчи фойда, мос равишда қўшимча инвестициялар киритилгунча ва ундан сўнг.

е) инвестицияларнинг қопланиш муддати.

Инвестициялар самарадорлигини келтирилган формулалар асосида (бошқарув даражасини инобатга олган ҳолда) аниқлаш ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қанча миқдорда инвестиция киритилган ва унинг натижаси қандай деган саволга жавоб беради, яъни у инвестицияларнинг мутлақ (абсолют) самарадорлигини тавсифлайди.

Амалиётда кўпинча инвестицион қарорларнинг турли хил вариантлари кўриб чиқилиб, улардан энг мақбулини танлаб олишга ҳаракат қилинади. Бу мақсадда капитал қўйилмаларнинг солиштирма иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қўлланиб, улар қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\Xi_n \times T_n + E_n \times K \longrightarrow \min$$

Бу ерда:

T_n - маҳсулот таннари;

K - капитал қўйилмалар;

E_n - капитал қўйилмаларнинг самарадорлик нормаси.

Агар инвестицион қарорларнинг бир нечта вариантлари кўриб чиқиладиган бўлса, келтирилган харажатлар энг минимал бўлган вариант танлаб олинади.

Иқтисодий самарадорликни баҳолаш жараёнида киритилувчи инвестицияларнинг қопланиш муддатини аниқлашнинг ўзига хос ўрни бўлиб, у қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$T_{ок} \times K / (\Phi_{p1} - \Phi_{p0})$$

Бу ерда:

K - асосий ишлаб чиқариш фондларига киритилувчи капитал қўйилмалар ҳажми;

Φ_{p1} - режалаштирилаётган даврнинг сўнгги йилидаги фойда;

Φ_{p0} - базис йилдаги фойда (режадан олдинги даврнинг сўнгги йили).

Капитал қўйилмаларнинг самарадорлик коэффиценти қопланиш муддатига тескари бўлган катталиқдир. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$E \times (\Phi_{p1} - \Phi_{p0}) / K$$

Вақт омили, айниқса, инвестор (буюртмачи) нуқтаи назаридан киритилаётган ресурсларнинг ҳақиқий самарадорлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Шу сабабли қурилиш, қайта тиклаш ва кенгайтириш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ишлари қанчалик тез бажарилса, инвестор ва пудратчи учун шунчалик фойдали бўлади. Қурилган объектни муддатидан аввал фойдаланишга топширишдан олинувчи қўшимча фойда ($\Xi_{кф}$) орқали иқтисодий самара қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\Xi_{кф} \times E_n \times \Phi (T_{ш} - T_a)$$

Бу ерда:

E_n - самарадорликнинг норматив коэффиценти;

Φ - муддатидан аввал фойдаланишга топширилувчи асосий фондлар қиймати;

$T_{ш}$ - объектни фойдаланишга топширишнинг шартномадаги муддати;

T_a - объектни фойдаланишга топширишнинг амалдаги муддати.

Объектларни фойдаланишга топширишнинг шартномадаги ва амалдаги муддатлари ўртасидаги фарқ мазкур формулада ($T_{ш} - T_a$) йил улушида акс эттирилиши лозим (вақт кўрсаткичи). Агар $T_{ш} < T_a$ бўлса, яъни объектни фойдаланишга топшириш муддати ўтиб кетадиган бўлса, инвестор кутилаётган фойдани олишдан маҳрум бўлади ва бошқа чиқимларга дуч келиб, бу нарса ҳисобий самаранинг салбий бўлишига олиб келади. Шу сабабли қурилиш ёки корхонани қайта тиклаш ва кенгайтириш ишлари, объектларнинг сифат кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаган ҳолда қанчалик тез амалга оширилса, инвестициялар самарадорлиги мос равишда шунчалик юқори бўлади.

Хулоса

Наманган вилоятида йилдан йилга барқарорлик таъминланиб бормокда. Шунинг учун бу вилоятга хорижий инвесторлар тобора қизиқиб боришмоқда. Хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқаришнинг тўғри танланган тактика ва стратегияси корхоналарга ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнлари ва маҳсулот чиқаришни фан-техника тараққиёти ва бозор талабларига жавоб берувчи кўринишга олиб келишга имкон беради.

Наманган вилоятида хорижий инвестициялар асосида фаолият кўрсатаётган корхоналарда маҳаллий шароитларга мослашиш, шунингдек, олиб борилаётган маҳаллий сиёсатни қўллаб-қувватлаш тенденциялари мавжуд. Ўз навбатида корхоналарнинг ҳам инвестицион сиёсатида ҳудуд муҳитидаги вазиятларни инобатга олиб бошқаришни ташкил этиш одат тусига кирган. Корхонанинг инвестицион сиёсати инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ҳамда инвестициялашнинг энг самарали вариантларини танлаш билан боғлиқ бўлади.

Наманган вилоятида хорижий инвестицияларни жалб этишда қуйидаги муаммолар шаклланган:

- инвестициялар ва инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда услубий асослар заиф ишланган;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар маҳаллий шароитларга кўпроқ йўналтирилмоқда, экспортга йўналтирилганлик сустроқ;
- хорижий инвестиция асосидаги корхоналарда маркетингни яхши олиб боришга мойиллик сезилмаяпти;
- истиқбол режаларида стратегик аҳамият касб этадиган ёндашувлар ишлаб чиқилмаган ёки заиф ишланган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва уларни бошқаришни ташкил этиш соҳасидаги самарали ишлар амалга оширилган. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг ўзига хос йўналишларидан келиб чиқиб, инвестицион вазиятни жадаллаштириш учун қуйидаги шартларга эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз:

- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳаларига жалб этиш ва маҳсулотларнинг экспорт бозорларини кенгайтириш;
- маркетинг тадқиқотларини тўғри ташкил этиб, янги сотув каналларини топиш;
- ўзимизнинг миллий валюта (сўм)нинг тўлов қобилиятини қувватини ошириш ва мустаҳкамлаш, жаҳон бозоридаги ишончини оқлаш;
- Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган инвесторлар учун олиб борилаётган ишлар бўйича кенг ахборот олиш имкониятларини янада яхшилаш ва кенгайтириш;
- республикада кичик бизнес секторининг ривожланишини тезлаштириш мақсадида солиқларнинг энг минимал меъёрини белгилаш орқали инвестицияларни оқиб келишига замин тайёрлаш;
- давлатимиз бошқаруви томонидан имкон даражасида электр энергия ресурсларига бўлган баҳоларни мувофиқлаштириш;
- вилоятда капитал қўйилмалар тузилишида рўй берадиган салбий ўзгаришларнинг олдини олиш, акс ҳолда, уларнинг жамият учун ялпи фойдалилиги ошса, маҳсулот ишлаб чиқариш кучайиши рўй бермайди. Бунга мисол: ишлаб чиқаришга давлатнинг аралашуви кенгайиши билан корхоналар ўз маблағларининг бир қисmini атроф-муҳит ва соғлиқни сарфлашга мажбур бўлишидир;
- транспорт ва алоқа коммуникацияси соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, чунки қулай ривожланган транспорт ва алоқа тизимисиз республиканинг иқтисодий салоҳиятини тўла акс эттириб бўлмайди;

– республика миқёсида аҳолининг сиёсий ва маънавий маданиятини янада ошириш;

– иқтисодий муносабат ўрнатган ҳар икки (инвестор ва унинг капиталидан фойдаланувчи) мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириш ва ўзаро қўллаб-қувватлашни йўлга қўйиб, самарали ҳамкорликни кучайтириш.

Тармоқлар ва ҳудудларда тизимий қайта кўриш вазифасини ҳал этишда бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини оширишга, шунингдек, бевосита хорижий инвестициялар ҳажмини оширишга Ўзбекистон Давлат инвестиция дастурини амалга ошириш орқали эришиш мумкин. Шу йўналишда Ўзбекистон Республикаси учун зарур чора-тадбирлар сирасига, фикримизча, қуйдагилар киритилиши лозим:

- айрим тармоқлар ва минтакаларда (жумладан, эркин иқтисодий зоналарда) хорижий инвесторлар учун реал амал қилувчи имтиёзлар тизимини яратиш;
- хўжалик юритувчи субъектлар, юқори турувчи идоралар (концернлар, ассоциациялар ва ҳоказолар) ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида мулк ва ваколатни аниқ чегаралаб қўйиш;
- барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилиги, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва концессиялар бўйича меъёрий базани яратиш;
- солиқларни камайитириш ва солиқ тузилмасини соддаштириш;
- хорижий инвестицияларни суғурталашнинг самарали механизмларни яратиш;
- иқтисодиёт тармоқларини монополиядан чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;
- иқтисодиётнинг базавий тармоқларини индивидуал лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш;
- биржа бозорларида ва бошқа бозорларда акциядорлар жамиятлари акциялари пакетларининг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш;
- маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни хорижий инвесторларга сотиш;

Хулос қилиб айтганда, хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиёт тармоқлари таркибига жалб этишни бошқариш туфайли Ўзбекистон ҳам келажакда етук – ривожланган давлатга айланади. Наманган вилоятида ҳам хорижий инвестициялардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилади. Бунинг учун инвестиция фаолиятини самарали олиб боришга шарт-шароитларни ҳам кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Меъёрий ҳужжатлар ва Президент асарлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: -Т.: Ўзбекистон, 2014. -76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрир). //Халқ сўзи//, 2000. 9 июн, 110-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, //Халқ сўзи//, 1999. 12 январ. 7-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни, //Халқ сўзи//, 1999. 12 январ. 7-сон.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни. //Халқ сўзи//, 1999. 28 апрел.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни. //Солиқ ва божхона хабарлари//, 1998. 30 апрел. 22-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Солиқ ва божхона хабарлари//, 2003. 10 октябр. 41-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи//, 2003. 8 май, 99-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи//, 2003. 21 июн, 120 сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий химоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори. //Ўзбекистон овози//, 2003. 3 Май. 55-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. //Халқ сўзи//, 2003. 13 сентябр. 190-сон.
12. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
13. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.–Т.: Т. 19. Ўзбекистон, 2011.
14. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
15. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.
16. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.
17. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – 64 б.
18. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодийтимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. 17 январь, 2015.

2. Илмий адабиётлар

19. Ангелиди М.С., Каримов Н.Г. Анализ инвестиционнқх проектов, Учебное пособ. -Т.: Ташкентский Финансовқй институт, 2000.
20. Ахелл Селл. Инвестиции и финансирование, планирование и оценка проектов. // Пер. с англ. А.В.Игнатов, М. 1996.
21. Банковское дело. Словарь: Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 2001. - 412 с. - (Библиотека словарей ИНФРА-М).
22. Беренц В., Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций: Пер. с англ. перераб. и дополн. Изд. - М.: АЗОТ «Интерэксперт», «ИНФРА-М», 1995. -528 с.: табл. граф.
23. Бизнес-план инвестиционного проекта: Отечественнқй и зарубежнқй опкт. Современная практика и документация: Учеб. пособие. -5-е изд., перераб. и дополн. // Под ред. В.М.Попова. -М.: Финанск и статистика, 2002. -432 с.: ил.
24. Богатин Ю.В., Швандар В.А. Инвестиционнқй анализ. Учебное пособие для вузов -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. - 286 с.
25. Бочарев В.В. Методқ финансирования инвестиционной деятельности предприятий. -М.: Фианаск и статистика, 1998. -160 с.: ил.
26. Вахобов А.В. Хусусий мулк - иқтисодиётнинг ишончли пойдевори. //Халқ сўзи//, 2003. 24 апрел, 87-сон.
27. Глухов В.В. Менеджмент: Учебник. –СПб.: Специальная Литература, 2009. -700 с.: ил.
28. Махмудов Э.Р. Основнқе тенденции и формқ прямқх зарубежнқх инвестиций развиваюўих странқ -Халқаро муносабатлар. №1. 2000.
29. Расулов А., Денисов Ю. Проблемқ структурнқх изменений в экономике Узбекистана. – М.: Журнал: "МЭиМО", №3. 2000.
30. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2001 -701 б.
31. Харп У., Г. Александр, Дж. Бэйли. Инвестиции. Пер. с англ. - М: ИНФРА. М. 1997. С. 979.
32. Центральная Азия - новқй фаворит иностраннқх инвесторов - "МЭиМО", №3. 2000.
33. Язқк бизнеса: терминқ. // Под ред. В.А.Чжена. -Т.: Изд. Компания. «Бизнес-каталог», 1995. -734 с.

3. Статистик маълумотлар тўплamlар

34. Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари. // статистик тўпл. 2014 йил якуни.
35. Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари. // статистик тўпл. 2013 йил якуни.
36. Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари. // статистик тўпл. 2012 йил якуни.

4. Интернетдан олинган маълумотлар

37. <http://www.speclit.spb.ru>
38. <http://www.dashkov.ru>
39. <http://www.menegment.ru>
40. <http://www.investision.ru>